БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-йил чиқиши
№ 124 (1386)
26 июнь
Жума
1959 йил
Баҳоси 20 тийин

Корхоналарни ғоят унумли ишлайдиган янги машина-ускуналар, механизмлар ва приборлар билан таъминлаш учун, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш учун машинасозлик ва асбобсозлик тез суръатлар билан ривожлантирилсин.

(КПСС XXI съезднинг Резолюциясидан).

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1959 йил 24 июнда Катта Кремль саройида КПСС Марказий Комитетининг Пленуми очилди.

Марказий Комитет Пленуми қуйидаги кун тартибини тасдиқлади:

Саноатда ва қурилишда техникани тараққий эттиришни тезлатиш тўғрисида КПСС XXI съездининг қарорларини бажариш соҳасида партия ва совет ташкилотлари ҳамда халқ хўжалиги кенгашларининг иши тўғрисида (КПСС XXI съездининг саноат ишлаб чиқариши ва қурилишни янада кенгайтириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини ошириш ва унинг таннархини камайтириш, шунингдек қурилиш қимматини камайтириш мақсадида саноат ва қурилишда комплекс механизацияни жорий этиш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, поток линияларини жорий қилиш, эскириб қолган машина ва ускуналарни, штамп ва инструментларни янгилаш тўғрисидаги қарорларини бажариш тадбирлари ҳақида, — Москва (шаҳар), Ленинград, Сталино, Свердловск ва Днепропетровск Халқ хўжалиги кенгашларининг докладлари; кимё саноатини ривожлантиришни ва айниқса аҳоли талабларини ва халқ хўжалик эҳтиёжларини қондирмоқ учун синтетик материаллар ва шу материаллардан буюмлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш тўғрисида КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1958 йил 7 майда қабул қилган қарорининг бажарилиши тўғрисида СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Кимё Давлат Комитетининг доклади; Тўқимачилик саноатини янада юксалтириш чоралари тўғрисида доклад.

Эрталабки мажлисда Марказий Комитет Пленуми Москва (шаҳар) Халқ хўжалиги кенгашининг раиси ўртоқ **К. Д. Петуховнинг**, Ленинград Халқ хўжалиги кенгашининг раиси ўртоқ **С. А. Афанасьевнинг**, Сталино Халқ хўжалиги кенгашининг раиси ўртоқ **И. И. Дядикнинг** ва Свердловск Халқ хўжалиги кенгашининг раиси ўртоқ **С. А. Степановнинг** докладларини тинглади.

Кечки мажлисда Днепропетровск Халқ хўжалиги кенгашининг раиси ўртоқ **Н. А. Тихоновнинг** доклади ва СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Кимё Давлат Комитетининг раиси ўртоқ **В. С. Федоровнинг** доклади тинглади.

КПСС область ва ўлка комитетларининг ҳамда иттифоқчи республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг биринчи секретарлари, шунингдек саноат, транспорт ва қурилиш масалалари билан шуғулланувчи иккинчи секретарлари, йирик саноат марказлари шаҳар партия комитетларининг секретарлари, Москва ва Ленинград шаҳарлари район партия комитетларининг секретарлари, йирик саноат корхоналари ва қурилишлардаги партия комитетларининг секретарлари ҳамда жойлардаги бошқа партия ходимлари, иттифоқчи республикалар Министрлар Советларининг раислари, область, ўлка ижроия комитетларининг ва автоном республикалар Министрлар Советларининг раислари, халқ хўжалиги кенгашларининг раислари, иттифоқчи республикалар Министрлар Советлари Давлат илмий-техника комитетларининг раислари, иттифоқчи республикалар Министрлар Советлари Госпланларининг раислари; касаба союзларининг раҳбар ходимлари; комсомол раҳбар ходимлари; марказий газеталар ва журналларнинг редакторлари; йирик корхоналар, қурилишлар ва транспорт раҳбарлари; илмий-текшириш институтларининг раҳбарлари, етакчи конструкторлар ва илмий ходимлар; ишлаб чиқариш илғорлари, машҳур ихтирочилар ва рационализаторлар; жойлардаги бошқа раҳбар ходимлар; СССР министрликлари ва бошқа марказий бошқармаларнинг раҳбар ходимлари; КПСС Марказий Комитети аппаратининг масъул ходимлари Марказий Комитет Пленуми ишида қатнашиш учун таклиф қилинганлар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини давом эттирмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми

24 июнда Москвада Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми очилди.

Пленумни КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Н. С. Хрушчев очди.

Саноатда ва қурилишда техникани тараққий эттиришни тезлатиш тўғрисида КПСС XXI съездининг қарорларини бажариш соҳасида партия ва совет ташкилотлари ҳамда халқ хўжалиги кенгашларининг иши тўғрисидаги масала, шуниндек кимё саноатини ривожлантиришни тезлатиш ва тўқимачилик саноатини янада юксалтириш чоралари тўғрисидаги масалалар Пленум муҳокамасига қўйилган.

Бу Пленумни чақириш тўғрисида бундан бир ярим ой муқаддам эълон қилинган хабар бутун мамлакатда жуда кенг қизиқиш билан кутиб олинди. Технология процессларини автоматлаштириш ва механизациялаштириш, ишлаб чиқариш ва қурилиш методларини такомиллаштириш соҳасидаги конкрет вазифаларни муҳокама қилиш саноат ва транспорт корхоналарида, қурилишларда, илмий-текшириш ва лойиҳалаш ташкилотларида кенг авж олиб кетди. Янги резервлар топилди, бу резервлардан фойдаланиш халқ хўжалигини тағин ҳам тез ривожлантиришни таъминлайди. Бир қанча иқтисодий районларнинг меҳнаткашлари етти йилликнинг улуғвор программасини муддатидан олдин бажариш учун курашиб, янги ажойиб ватанпарварлик ташаббусларини бошлаб бердилар. Пленум шарафига меҳнат тортиқлари тайёрланганлиги — ярим йиллик ишлаб чиқариш топшириқларининг муддатидан олдин бажарилганлиги тўғрисида шу кунларда мамлакатнинг ҳамма томонларидан хабарлар келмоқда.

Пленум мажлислари Катта Кремль саройида ўтмоқда. Унинг ишларида қатнашмоқ учун иттифоқчи республикалар Коммунистик партиялари Марказий Комитетларининг, область, ўлка партия комитетларининг, бир қанча шаҳар партия комитетларининг ва корхоналар партия комитетларининг секретарлари, совет ташкилотларининг ва халқ хўжалиги кенгашларининг раҳбарлари, касаба союзларининг, комсомолнинг раҳбар ходимлари, корхоналарнинг, илмий текшириш институтларининг раҳбарлари, ишлаб чиқариш новаторлари таклиф қилинган.

Пленумда биринчи бўлиб Москва шаҳар Халқ хўжалиги кенгашининг раиси **К. Д. Петухов** доклад қилди.

Москва саноатининг корхоналари, деди ўртоқ Петухов, халқ хўжалигини техника билан таъминламоқ учун хилма-хил машиналарни ва асбобларни кўп миқдорда тайёрлаб бермоқда. Кооперативлашиш тартибида бошқа иқтисодий районларга маҳсулотлар етказиб бериш юзасидан берилган топшириқларнинг ҳаммаси ўтган йил тўла равишда бажарилди. Кимё саноатини ривожлантирмоқ учун зарур буюмлар етказиб бериш топшириқлари асосан муддатидан олдин бажарилмоқда.

Халқ хўжалиги кенгаши заводларида ва фабрикаларида ўтган йил 142 та автоматлаштирилган ва механизациялаштирилган поток линиялар, 1.600 дан ортиқ автомат ва ярим автомат станоклар ўрнатилди. 3 минг дона ускуна модернизация қилинди, кўпгина кўтаргич-транспорт аппаратлари жорий қилинди. Аниқ қуйиш усулини жорий қилиш, даврий профилдаги прокат ишлаб чиқариш, буюмларни металлни ўтказиб туриш методи билан пресслаш планлари ва бошқа планлар ошириб бажарилди. Мана шуларнинг ҳаммаси тайёрлаб берилаётган буюмларга сарфланаётган меҳнатни анча камайтирди. Енгил саноатда газламаларни такомиллаштирилган технология асосида оҳорлаш икки баравар кўпайди, пойафзални қолипга тортмай ясаш усули жорий қилинди, бу усул сифатни яхшилаган ҳолда меҳнат унумдорлигини 20 процент оширди.

Шу билан бир қаторда, деди докладчи, корхоналарнинг ишида камчиликлар ҳали кўп. Булар резервлар ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётганлигини кўрсатади. Бир қанча заводлар ва фабрикаларда технология процесслари орқада қолган, эскирган ускуналар, штамплар ва бошқа машиналар бор. Бу эса, маҳсулотларнинг сифатини пасайтиришга, меҳнатнинг кўп сарфланишига, материалларнинг нобуд қилинишига олиб келмоқда.

КПСС XXI съездидан кейин, деди сўнгра докладчи, меҳнат унумдорлиги план топшириқларида кўрсатилганига қараганда анча кўп ошмоқда. Бунинг сабаби шуки, Москва шаҳри корхоналарининг ва районларининг партия ташкилотлари резервлардан ва техника муваффақиятларидан яхшироқ фойдаланиш соҳасида анча иш қилдилар. Корхоналарда технология процессларини автоматлаштириш ва механизациялаштириш планларини тузишда 300 мингдан кўпроқ киши қатнашди. Кўпгина қимматли таклифлар киритилди.

Корхоналаримизнинг КПСС XXI съездидан кейин 1965 йилга планлаштирилган ишлаб чиқариш даражасига 1964 йилда эришиш тўғрисида олган социалистик мажбуриятлари, деди ўртоқ Петухов, КПСС Марказий Комитетининг Пленумига тайёргарлик туфайли ҳамда бир қанча иқтисодий районлар меҳнаткашларининг ватанпарварлик ташаббуслари натижасида янги мажбуриятлар билан тўлдирилди. Бу мажбуриятларда 1965 йилга қадар маҳсулот ишлаб чиқаришни етти йиллиқнинг контроль рақамларида мўлжалланганига қараганда бир ярим баравардан зиёдроқ ошириш кўзда тутилади. Шу билан бирга, бу мажбуриятлар Халқ хўжалиги кенгаши саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми бўйича етти йиллик планни муддатидан олдин бажаришни таъминлайди.

КПСС XXI съездининг қарорларида, деди ўртоқ Петухов, саноатни техника билан қайтадан қуроллантириш йўли билан ишлаб чиқаришни кенгайтириш вазифаси алоҳида равишда уқтириб ўтилди. Шу сабабли, партия ташкилотлари коллективларининг куч ва ғайратларини машиналар ва асбоблар чиқаришни кўпайтиришга сафарбар қилдилар. Москвада станоксозликни кўп миқдорда ривожлантириш кўзда тутилмоқда; махсус станоклар чиқариш жумладан, 1965 йилда етти йиллик план топширигида мўлжалланганига нисбатан 2,1 баравар кўпайтирилади, технология процессининг тугалловчи операциялари учун, айниқса аниқ станоклар чиқариш эса 2,3 баравар кўпайтирилади.

Кейинги вақтларда, деди сўнгра докладчи. Халқ хўжалиги кенгаши ходимлари ускуналарни алмаштиришга тааллуқли хилма-хил масалаларни ҳал қилар эканлар, шундай хулосага келдиларки, корхоналарда вужудга келган нотўғри тартиб натижасида ускуналар хўжалик заруриятига сабабли алмаштирилмасдан, балки асосан, шу ускуналар ясалганидан кейин ўтган йилларнинг миқдорига қараб алмаштирилмоқда. Бизнинг фикримизча, технология процессининг линиялар, цехлар, заводлар умумий иш унумидаги ўсишни тўхтатиб қўйётган звенолардаги эскириб қолган ёки буюмларнинг сифатини ёмонлаштираётган ускуналар биринчи галда алмаштирилиши керак.

Сўнгра, ўртоқ Петухов дедики, 450 та автомат линия ишлаб чиқариш тўғрисида Ҳукумат берган топшириқларнинг ва олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши кўпгина масалаларнинг ҳал қилинишига боғлиқ. Халқ хўжалиги кенгашининг корхоналари ва конструкторлик ташкилотлари ҳозирги вақтда, одатда, янгиланган ва яхшиланган автомат линиялар яратиш устида иш олиб бормоқдалар. Оржоникидзе номидаги станоксозлик заводи айрим станоклар учун ишлаб чиқарган узелларига ўхшаш узелларга қўшимча равишда бундай линиялар учун унификациялаштирилган дастлабки 20 та узел яратиб берди. Бундай узелларни ишлаб чиқариш Москва корхоналарида ташкил этилади. Бу корхоналар Халқ хўжалиги кенгашлари учунгина эмас, шу билан бирга, ўзларининг махсус станокларини ва автомат линияларини янги маҳсулот чиқаришга ўз кучлари билан мослаб қайта қурадиган машинасозлик заводлари учун ҳам етарли миқдорда шундай узелларни ишлаб чиқарадиган бўладилар. Пойтахт конструкторлари типовой автомат линиялар яратиш ишларини бошламоқдалар, улар шу автомат линияларини лойиҳалаш ва ясаш муддатларини анча қисқартирмоқдалар.

Ўртоқ Петухов айтдики, энг муҳим технология процесслари ва ишлаб чиқаришлар учун автомат ускуналар яратиб бериш давлат планини тузиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу эса, энг муҳим процессларни автоматлаштиришга бутун кучни сафарбар қилишга имкон беради.

Сўнгра, докладчи электротехника, радиотехника ва асбобсозлик корхоналарининг ишлари масаласига тўхталиб ўтди. Бу тармоқларда саноатнинг ҳамма тармоқларидаги технология процессларини комплекс автоматлаштириш, контроллик қилиш ва тартибга солиш учун, айниқса зарур буюмларни ишлаб чиқаришни энг кўп ривожлантириш кўзда тутилади. Жумладан, иш процессларини автоматик равишда тартибга солиб турадиган электрон машиналар ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш вазифаси қўйилмоқда.

Москва шаҳар иқтисодий районининг корхоналари саноатни техника билан қайта қуроллантириш мақсадлари учун 7 мингга яқин номда ҳар хил машинадар, ускуналар ва асбоблар ясаб бермоқда. Халқ хўжалиги кенгаши ўз қарамоғидаги конструкторлик бюролари ишлаб чиқаётган буюмларнинг асосий моделларини етти йил давомида батамом алмаштиришни мўлжаллайди. Бу йил 700 та янги машина, асбоб ва бошқа буюмлар ишлаб чиқаришга киришилади.

Халқ хўжалиги кенгаши ва унинг корхоналари конструкторлик ишини ривожлантириш чораларида, деди ўртоқ Петухов корхоналарда ташкил этилаётган мусобақа сингари конструкторларнинг ҳам мусобақасини ташкил этиб, бу мусобақа голибларига кўчма Қизил байроқлар бериш тартибини жорий қилишни таклиф этади.

Оғир ва енгил саноатнинг ҳамда озиқ-овқат саноатининг 27 корхонасида, шунингдек 139 цехида ва ишлаб чиқариш участкаларида энг муҳим процессларни етти йил ичида типовой комплекс автоматлаштириш ва механизациялаштириш кўзда тутилади. Бу иш сўнгра, бошқа корхоналарнинг ҳаммасида шундай вазифаларни тўғри ҳал қилишга ёрдам беради. Москва партия ташкилоти Лихачев номидаги автомобиль заводини техника билан қайта қуроллантириш соҳасида ҳали кўп иш қилиши керак. Бу заводнинг юк автомобиллари ишлаб чиқариш қуввати 70 процент оширилади, шу автомобилларни ясаш учун сарфланадиган меҳнат эса 40 процент камайтирилади. Шу билан бир вақтда бу завод коллективи, конструкторлик бюроси такомиллаштирилган янги юк автомобиллари яратиб бериши керак.

Докладчи дедики, технология процессларини такомиллаштириш ва ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ишларини пул билан таъминлаш тартибини ўзгартириш, Давлат банки томонидан бериладиган қарзларни шундай ишларни пул билан таъминлашнинг асосий формасига айлантириш зарур. Банкнинг кредити хўжалик раҳбарларининг масъулиятини ошириши ва давлат ҳисобига ишлаш кайфиятини тугатади, такомиллаштирилган техникани жорий қилишдан реал натижалар олишга ўргатади. Москва шаҳар Халқ хўжалиги кенгаши бу ишни зўр бериб ривожлантириш ниятидадир. Халқ хўжалиги кенгаши саноатни техника билан қайта қуроллантириш вазифаларини амалга ошириб, корхоналарда асосан, кадрларни қайта тақсимлаш ва бошқарув ходимларини қисқартиш ҳисобига 140 та янги технология ва конструкторлик бўлимлари тузишга қарор қилди.

Ўртоқ Петухов корхоналарни ихтисослаштириш, моддий-техника таъминотини ташкил этиш ҳамда Халқ хўжалиги кенгаши заводлари ва фабрикаларининг ишлаб чиқариш процессларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш ишларига тааллуқли бошқа масалалар тўғрисида ҳам гапирди.

Навбатдаги докладчи — Ленинград Халқ хўжалиги кенгаши раиси **С. А. Афанасьев** айтдики, иқтисодий район саноати биринчи ярим йил планини 23 июнда муддатидан олдин бажарди. Ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ўн процент кўпайди.

Докладчи дедики, иқтисодий район саноат корхоналарининг коллективлари Владимир область партия комитети ва Владимир Халқ хўжалиги кенгаши бошлаган ташаббус тўғрисида КПСС Марказий Комитети чиқарган қарорни қизғин равишда қувватладилар. Меҳнаткашларнинг йиғилишларида, КПСС Ленинград область комитетининг пленумида иқтисодий район саноати владимирликларнинг ташаббусини кенг қўлланиш учун бутун шароит ва имкониятларга эга эканлиги уқтириб ўтилди. Ҳозирги вақтда Халқ хўжалиги кенгаши бу ташаббусни амалга оширмоқ учун лозим бўлган ҳамма тадбирларни ишлаб чиқмоқда.

КПСС Марказий Комитети Пленумига тайёргарлик кунларида, деди ўртоқ Афанасьев, свердловскликлар етти йиллик планни ишлаб чиқариш даражаси бўйича муддатидан олдин бажариш учун мусобақани авж олдиришни таклиф қилдилар. Ленинградликлар бу чақириқни қабул қилиб ва унга қўшимча равишда — етти йилликни ишлаб чиқариш даражаси бўйигагина эмас, шу билан бирга, меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича ҳам олти йилда бажаришни ва шу билан бир вақтда чиқарилаётган буюмларнинг техника даражасини оширишни таклиф қилдилар. Партия Марказий Комитети Ленинград Халқ хўжалиги кенгаши меҳнаткашларининг бу ташаббусини маъқуллади.

Ленинградликлар чиқарилаётган машиналар ва асбобларнинг юксак даражада бўлиши учун, деди ўртоқ Афанасьев, мамлакат олдида ўз зиммаларида турган масъулиятни жуда яхши биладилар. Яқинда ишчилар, конструкторлар, олимлар чиқарилаётган буюмларнинг техника даражасини белгилаш соҳасида бирмунча иш қилдилар. Асосий номенклатурада бўлган беш мингдан кўпроқ буюм ҳар томонлама анализ қилинди. Ҳар бир машинани ва ҳар бир асбобни ўз Ватанимиз ва чет эл техникасининг энг яхши намуналари билан таққослаб кўрдилар.

Натижада, кейинги йилларда Ленинградда янги техниканинг кўпгина такомиллашган намуналари яратилганлиги аниқланди. Булар мамлакатимизда ва чет элларда ҳам машҳурдир. Шуларнинг баъзилари бутун жаҳонда ном чиқарди. Шу билан бир вақтда, анализ қилинган буюмлардан мингтадан кўпроғи техниканинг ҳозирги даражасига мос бўлиб чиқмади. Олти юз буюмни модернизация қилишни ва янгидан яна 1.600 нусхадаги буюмни ўзлаштиришни, шу жумладан, эскириб қолган ускуналарни шуларнинг 410 таси билан алмаштиришни мўлжаллаб қўйдик.

Докладда машиналар ва асбоблар-нинг техника даражасини анализ қилишга анча ўрин берилди. Докладчи айтдики, буғ турбиналари чиқариш соҳасида Ленинград саноати Европа техникаси даражасида турган бўлса ҳам, лекин АҚШдаги даражадан бирмунча орқада қолмоқда. Ҳозир Ленинградда қуввати 300 минг киловаттлик янги буғ турбиналарининг иш лойиҳаларини тузиш битай деб қолди ҳамда буғ параметралари юксак ва ўта юксак бўлган ва ҳар бир агрегати 400—500 ва 600 минг киловаттлик турбиналар яратилмоқда. Бинобарин, буғ турбиналарининг қуввати ва параметраси соҳасида АҚШга нисбатан бўлган бир оз қолоқлик тугатилади.

Газ турбиналари ишлаб чиқариш соҳасида катта иш қилиниши керак. Ленинград металл заводи томонидан чиқарилган 12 минг киловатт қувватли газ турбинаси ҳозирча чет эл машиналарининг энг яхши намуналаридан сал пастроқ даражада турибди. Лекин келгуси йилда Ленинград турбинасозлари 25 минг киловатт қувватлик газ турбинаси чиқарадилар, сўнгра эса, 100 минг киловатт қувватлик тенгги йўқ газ турбинаси яратилади.

300 минг киловатт қувватлик генератор яратиш соҳасида иш олиб борилмоқда. Бунинг натижасида Ватанимизнинг машинасозлик саноати бу соҳада жаҳон техникасида етакчи ўринни олиши таъминланади. Ленинград саноати чиқараётган гидротурбиналар чет эл фирмаларининг энг яхши намуналаридан устунлик қилади. Масалан, Куйбишев гидроэлектростанцияси учун ясалган айланма парракли турбиналар жаҳонда энг қувватли турбиналардир.

Ленинград иқтисодий райони мураккаб радио-техника асбоблари ва бошқа асбоблар ишлаб чиқаришда мамлакатда анча салмоққа эга. Бироқ, деди ўртоқ Афанасьев, биз текшириб чиққан икки минг асбобдан қарийб 800 таси ҳозирги замон талабларига жавоб беролмаганлиги аниқланди. Халқ хўжалиги кенгаши шуларни алмаштириш ёки модернизация қилиш планини тасдиқлади. Аммо бу планни амалга оширишда маълум қийинчиликлар бор. Халқ хўжалиги кенгашининг радиотехника ва асбобсозлик саноати ўзининг лойиҳалаш-конструкторлик базаси бўлмаганлиги сабабли, янги буюмларнинг лойиҳаларини иттифоқ ва республика қарамоғидаги конструкторлик ташкилотларидан олиб турибди. Бу лойиҳаларнинг баъзилари ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди. Мамлакатда, деди докладчи, тажриба учун чиқариладиган машиналар ва асбоблар лойиҳасини тузиш ва ясашнинг ягона тартибини ўрнатиш керак. Шу билан бирга, ҳозирги замон техникаси даражасига тўғри келмайдиган буюмларни кўпроқ ишлаб чиқаришга сира йўл қўймаслик лозим.

Халқ хўжалиги кенгаши корхоналарига катта вазифа юклатилган — улар мамлакатнинг кимё заводлари учун етти йил ичида жуда кўп ускуналарни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришлари ва ясаб беришлари лозим. Шу йилги топшириқ, деди докладчи, муддатидан олдин бажарилиши мумкин. Бизнинг планлаштирувчи органлардан илтимосимиз фақат шуки, улар моддий-техника таъминоти масалаларини ҳал қилиб берсинлар. Шу билан бирга, деди ўртоқ Афанасьев, кимё саноати учун бизга ясаб бериш топширилган ускуналарнинг техника даражаси бизни бирмунча ташвишга солмоқда. Кимё Давлат Комитети буни текшириб аниқлаши ва техника сиёсати масалаларида ўзининг етакчилик ролини кўпроқ кўрсатиши зарур.

Докладчи айтдики, саноат тармоқлари бўйича етакчилик қиладиган илмий-текшириш институтларини ва конструкторлик бюроларини белгилаб қўйиб, стандартлаш, нормаллаштириш ва унификациялаш ишларини ўтказиш масъулиятини шуларга юклаб қўйиш, уларнинг розилиги бўлмасдан туриб, янги буюмлар лойиҳасини тузишни ва чиқаришни тақиқлаб қўйиш керак эди.

Сўнгра, докладчи корхоналарни ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш ишида Ленинград Халқ хўжалиги кенгашининг тажрибасига тўхталиб ўтди. Бу ишларни ўтказиш натижасида 20 мингдан кўпроқ квадрат метр ишлаб чиқариш майдонини бўшатиш имконияти туғилди, шу бўшаб қолган майдонларда янги ишлаб чиқариш қувватлари вужудга келтирилди. Ҳозирги вақтда РСФСР Госплани билан бирликда Ленинград корхоналарида ишлаб чиқаришни янада ихтисослаштириш плани ва металлни кўп талаб қиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни бошқа иқтисодий районларга топшириш плани тузилмоқда. Бу планни амалга ошириш натижасида 510 миллион сўмни тежаш имконияти туғилади.

Бир-бирига яқин корхоналар йириклаштирилганидан кейин яхши натижалар қўлга киритилди.

Ўртоқ Афанасьев иқтисодий районларни ишлаб чиқариш соҳасида кооперативлаштириш тўғрисида гапириб айтдики, ҳозирги вақтда мавжуд алоқаларни қайтадан кўриб чиқиш, собиқ министрликлар ва бошқармалардан мерос бўлиб қолган норационал алоқаларни тугатиш керак.

Халқ хўжалиги кенгаши томонидан тузиб чиқилган комплекс автоматлаштириш ва механизациялаштириш плани, деди ўртоқ Афанасьев бу йил камида 150 та механизациялаштирилган поток ва конвейер линияларини ишлаб чиқишни ва ўрнатишни кўзда тутади. Етти йил ичида 23 корхонани ҳамда 190 цех ва участкани комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш мўлжалланади.

Докладчи айтдики, мамлакатда ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва механизациялаштиришни жадаллаштирмоқ учун Ленинград Халқ хўжалиги кенгаши ўзига берилган топшириқлардан ташқари етти йиллик-да яна бир миллиард сўмлик ҳар хил асбоблар ишлаб чиқаришни ўз зиммасига олиши мумкин, деб ҳисоблайди.

Докладда илмий ходимларнинг саноат ходимлари билан ҳамкорлигини тағин ҳам мустаҳкамлаш, Халқ хўжалиги кенгашининг илмий-техника бошқармаларини мустаҳкамлаш, етакчи заводларда бақувват конструкторлик ва технология бюролари тузиш масалаларига кўп эътибор берилди.

Шу билан бирга, докладчи бир қанча мисоллар келтирди. Ленинградда 375 та илмий-текшириш институти, конструкторлик бюроси ва лойиҳалаш ташкилотлари бор, буларда 140 мингдан кўпроқ киши ишлайди. Завод конструкторлик бюроларини ҳисобламаганда, Халқ хўжалиги кенгашига эса, фақат 43 та ташкилот бериб қўйилган, бу ташкилотларда 11 минг киши ишлайди. Шунга қарамай, ўтган йили саноатнинг еттита тармоғида ишлаб чиқилган 985 та янги маҳсулот намуналаридан 90 процентини завод конструкторлик ташкилотлари яратиб берди.

Пировардида, ўртоқ Афанасьев айтдики, Ленинград иқтисодий районининг меҳнаткашлари етти йиллик планни муддатидан олдин бажариш соҳасида ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажарадилар.

Сталино Халқ хўжалиги кенгашининг раиси **И. И. Дядик** индустриал Донбасснинг улуғвор манзарасини ўз докладида тасвирлаб берди. Оғир саноатнинг энг йирик корхоналари Сталино иқтисодий маъмурий районида жойлашган.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

(Боши БИРИНЧИ БЕТДА)

Донбасс меҳнаткашлари Владимир, Свердловск, Москва (шаҳар), Горький, Днепропетровск ва бошқа халқ хўжалиги кенгашлари корхоналари коллективларининг 1965 йил учун белгиланган ишлаб чиқариш даражасига муддатидан олдин эришиш соҳасидаги ватанпарварлик ташаббусларини қизғин қуватлаш билан бирга, ўзларининг ҳам қўшимча резерваларини қидириб топдилар ва ўз корхоналарида шундай даражага муддатидан олдин эришиш мумкинлигини айтдилар. Улар чўян, пўлат, прокат ишлаб чиқариш ва кўмир қазиб чиқариш соҳасида 1965 йил учун кўзда тутилган даражага 1963 йилдаёқ эришишга қарор қилдилар. Ишлаб турган кимё корхоналарида етти йилликнинг охири учун кўзда тутилган ишлаб чиқариш даражасига 1964 йилда эришилади, цемент ишлаб чиқариш соҳасида эса, 1962 йилда эришилади ва ҳоказо.

Иқтисодий район олдида турган вазифалар қандай ҳал қилинмоқда ва қандай ҳал қилинади?

Кейинги йилларда кўмир саноатида шахталарни техника билан янада ускуналаш, механизациялаштириш ва автоматлаштириш воситаларини жорий қилиш соҳасида анчагина ишлар бажарилди. Шахталарда кўмир кесиш, уриб тушириш ва ташиш ишларини механизациялаштириш, кўмирни темир йўл вагонларига юклаш ишларини ҳ механизациялаштириш асосан тугалланди, лаваларда кўмирни навалка қилиш ишлари 50 процентдан зиёдроқ механизациялаштирилди ва шахталарнинг ичини қазиб боришда ёқилғини ва тоғ жинсларини юклаш ишлари 72 процент механизациялаштирилди. 67 та шахтада вагончаларни юқорига ҳайдаб чиқиш ва айирбошлаш ишлари батамом механизациялаштирилиб ва автоматлаштирилиб бўлди.

Кўмир шахталарида меҳнатни кўп талаб қиладиган ишларни тағин ҳам кўпроқ камайтириш мумкин. Кўмир қазишни комплекс механизациялаштириш масалаларини ҳал қилиш бу вазифани бажаришга ёрдам беради. Бу эса, иш унуми юксак бўлган кўмир комбайнларидан ҳамда конларда ишлатиладиган бошқа машиналар ва механизмлардан тўла фойдаланишга имконият беради.

Иқтисодий районнинг кўмир саноатида етти йиллик ичида меҳнат унумдорлигини 33,7 процент ошириш кўзда тутилади, бинобарин, меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатларини 1952 — 1958 йилларда эришилган даражага нисбатан 3,7 баравар кўпроқ даражада ошириш таъминланади. Шу мақсад билан Халқ хўжалиги кенгаши бир қанча тадбирларни ишлаб чиқди ва амалга оширмоқда. Ишлаб турган шахталардан 35 таси реконструкция қилинади, 20 шахта учун комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш лойиҳалари тузилмоқда. Бундай тадбирлар ҳозир Пролетарская-Глубокая шахтасида амалга оширилмоқда ва етти йиллик давомида иқтисодий районнинг 103 та асосий шахтасида амалга оширилиши лозим.

Ишлаб турган ҳамма лаваларнинг 82 проценти цикл графигига ўтказилди. Шахталарнинг 65 процента ҳафталик график асосида ишламоқда. Бу тадбир катта иқтисодий натижалар бераётир. Кўмир ва тоғ жинсларини сув кучи билан қазиб олиш ва сув ёрдами билан ташиш ишлари ривожлантирила бошлади. Бу методларнинг самарали эканлигини қуйидаги мисолдан билиш мумкин. «Орджоникидзеуголь» трестининг тўртинчи шахтасидаги тажриба гидроучасткасида ҳозирги вақтда одатдаги технология билан ишланган маҳалдагига қараганда тахминан уч баравар кўп кўмир қазиб чиқарилмоқда, меҳнат унумдорлиги икки ярим баравар ошди, ёғоч ишлатиш қарийб уч баравар камайди, кўмир чиқариш қиммати 35-40 процент камайди. Етти йиллик планда сув ёрдами билан кўмир қазиш ва кўмир ташиш усулини кенг қўлланиш кўзда тутилади. Шу мақсад билан ишлаб турган 11 шахтани реконструкция қилиш ва 7 та янги гидрошахта қуриш мўлжалланади.

Етти йил ичида иқтисодий районда 28 та янги шахта ишга туширилиши лозим. Бу шахталарни белгиланган муддатларда қуриш ва бажариладиган ишларнинг қимматини камайтириш учун 1959-1960 йилларда шахталарни тиккасига қазиб тушиш ва шахталарнинг ичини кўмир қазиш учун тайёрлаш ишларини батамом комплекс механизациялаштириш мўлжалланади.

Ўртоқ Дядик кўмир саноатини янада ривожлантириш, меҳнат кўп талаб қиладиган ишларни камайтириш, шахтёрларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш ва меҳнат шароитини яхшилаш программаси катта программа эканлигини яна бир марта таъкидлаб, бу программани Донбасс Халқ хўжалиги кенгаши ўз кучи билангина амалга ошириши мақ[illegible] иш эканлигини кўрсатиб ўтди. Докладчи СССР ва Украина ССР Госпланлари ва Фанлар академиялари, мамлакатнинг бошқа Халқ хўжалиги кенгашлари актив ёрдам беришлари зарурлигини уқтириб ўтди.

Кейинги йилларда металлургия соҳасида ҳам катта ишлар қилинди. Бу ишлар ишлаб чиқаришни оширишни ҳамда техника-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашни таъминлади. Жумладан, ишлаб чиқариш процессларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш соҳасида 500 дан кўпроқ тадбир амалга оширилди.

«Азовсталь» заводининг ходимлари бир қанча илмий-текшириш, лойиҳалаш, ўқув институтлари ва конструкторлик бюролари билан ҳамкорликда ишлаб, домна печларининг мураккаб процессларини бошқаришни комплекс автоматлаштириш билан шуғулландилар. Домна процессини комплекс автоматлаштиришнинг асосий схемаси ишланиб бўлди. Универсал ҳисоблаш-ечиш машинасидан фойдаланиб, заводнинг янги қурилаётган домна печида шу схемани амалга оширишга қарор қилинди. Бундай аппарат ҳали жаҳонда йўқ. Бу аппарат автоматлари домна процессининг боришини белгиловчи 78 факторни сифат ва миқдор жиҳатидан ҳисобга олиб туришни таъминлайди. Бу аппаратни 1960 йилда жорий қилиш планлаштирилмоқда.

Сталино металлургия заводида пўлатни узлуксиз қуйиб бериб турадиган ва жаҳонда энг катта бўлган аппарат қурилиб бўлай деб қолди. Бу йил Ильич номидаги «Азовсталь», Макеевка, Сталино ва Енакеево металлургия заводларида домна ишлаб чиқаришини газификация қилиш ишлари тамомланади. Шу йилнинг охирида «Азовсталь» заводида Совет Иттифоқининг металлургия саноатида биринчи бўлиб, чўянга чўмичларда буғ-кислород билан дам бериб, уни мартен печида эритишга тайёрлаш усули кенг миқёсда амалга оширилмоқчи. Кислород билан бойитилган ҳавони ишлатиш, Кривой Рог рудаларини чуқур бойитиш, Донецк кокси таркибидаги олтингугуртни камайтириш ва шу каби етилган масалалар ҳал қилинишини кутиб турибди.

Ўртоқ Дядик ўз докладининг катта қисмини иқтисодий районнинг кимё ва кокс-кимё корхоналарида ускуналарни модернизация қилиш, ишлаб чиқариш процессларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш масалаларига бағишлади. Ҳозирги вақтда Халқ хўжалиги кенгашининг кимё заводларида ишлаб чиқилган таклифлар ишлаб турган корхоналарда кимё маҳсулоти чиқаришни етти йиллик планда кўзда тутилган даражага нисбатан кўпайтиришга имкон беради.

Машинасозлар олдида ҳам бир талай муҳим вазифалар турибди. Улар бу етти йилликда маҳсулот чиқаришни 1,7 баравар кўпайтиришлари, меҳнат унумдорлигини 68 процент оширишлари, чиқарилаётган маҳсулотнинг ҳарбир сўмга ҳисобланганда қилинадиган харажатларни 10 процент камайтиришлари юксак унумли янги машиналар яратишлари лозим. Сталино Халқ хўжалиги кенгаши машинасозлик заводларининг характерли хусусияти шундаки, бу заводлар чиқараётган маҳсулотларнинг хили жуда кўп, бу эса автомат ва поток линиялар ҳамда комплекс механизациялаштирилган участкалар вужудга келтириш имкониятини чеклаб қўймоқда. Шунга қарамай, машинасозлар технология процессини узлуксиз такомиллаштириш соҳасида актив иш олиб бормоқдалар. Жумладан, улар заводларни ихтисослаштиришга катта эътибор бермоқдалар. Деталлар ва узеллар нормаллаштирилмоқда ва унификация қилинмоқда.

Ҳозирги вақтда Халқ хўжалиги кенгаши заводларида 88 та поток линия ва 5 та ярим автомат линия ишламоқда. Етти йил ичида 102 та автоматлаштирилган ва ярим автоматлаштирилган ҳамда 280 та механизациялаштирилган поток линияларни жорий қилиш мўлжаллаб қўйилди.

Докладчи металл қуйишни янада яхшилаш, темирчилик-пресс цехларининг ишларини такомиллаштириш, эскирган ускуналарни модернизация қилиш ва алмаштириш, кооперативлаштирилган тартибда маҳсулотлар етказиб беришни яхшилаш билан боғлиқ бўлган бир қанча масалаларга тўхталиб ўтди.

Корхоналарнинг коллективлари ўз ишларидаги муваффақиятларни кўпайтирадилар. Докладчи КПСС Марказий Комитетини ишонтириб айтдики, Сталино области меҳнаткашлари партия ва ҳукумат қўяётган вазифаларни шараф билан бажарадилар.

Эрталабки мажлиснинг охирида Свердловск Халқ хўжалиги кенгашининг раиси **С. А. Степанов** доклад қилди. У, Урал меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Пленумини яппи маҳсулот чиқариш бўйича биринчи ярим йил планини муддатидан олдин бажариш билан кутиб олганликларини улар орасида яратувчилик ғайрати жуда юксалиб кетганлигини ғаширб берди. Саноат корхоналари ва қурилишларнинг коллективлари янги техникани кенг жорий қилиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш асосида етти йиллик планнинг ишлаб чиқариш даражаси соҳасидаги топшириқларини муддатидан бир йил олдин бажариш мажбуриятини ўз зиммаларига олдилар. Юз минглаб ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар партия Марказий Комитетига ваъда бериб, XXI съезднинг тарихий қарорларини бажармоқ учун Урал меҳнаткашлари ўзларининг бутун куч ва ғайратларини сарфлайдилар, деб айтдилар.

Докладчи дедики, Урал қора, рангли металлар ишлаб чиқариш ва оғир машинасозлик соҳасида Россия Федерациясида ўзининг етакчилик ўрнини сақлайди. Свердловск иқтисодий райони саноатига ҳам таллуқлидир. Бу иқтисодий районда кейинги икки йил ичида ялпи маҳсулот чиқариш 20 процент кўпайди, ваҳоланки, бундан олдинги икки йил ичида фақат 13 процент кўпайган эди.

Ўртоқ Степанов муҳим вазифани, яъни домна ва мартен печларидан энг кўп фойдаланиш вазифасини амалга ошириш тўғрисида ғапирди. Ҳозирги вақтда корхоналарнинг коллективлари домна печларининг фойдали ҳажмидан фойдаланиш коэффициентини 0.735 га етказишга муваффақ бўлдилар, мартен печларининг ҳар бир квадрат метр тубидан эса 8,05 тонна пўлат олмоқдалар.

Кончилар ва домначилар рудаларни яхшилаш ва бойитиш ҳисобига металлургия хом ашёсининг сифатини янада яхшилашни, кон ишларини механизациялаштиришни, агломерация фабрикаларини автоматлаштиришни ва домна печларини модернизация қилишни ўзларининг асосий вазифалари, деб билмоқдалар. Бу тадбирларни амалга ошириш яқин вақт ичида энг кам маблағ сарфлаган ҳолда чўян ишлаб чиқаришни яна 10-15 процент кўпайтириш имкониятини беради.

Кейинги вақтларда пўлат эритиш техникасини такомиллаштириш соҳасида катта иш қилинди. Шу жиҳатдан қараганда, деди докладчи, Нижне-Тагиль комбинатининг тажрибаси алоҳида диққатга сазовордир. Бу комбинат мамлакатнинг илғор корхоналари эришган ўртача кўрсаткичларга қараганда, яхшироқ натижаларни қўлга киритди.

Докладчи айтдики, СССР ва РСФСР Госпланлари Уралдаги эски металлургия заводларини реконструкция қилиш тўғрисидаги таклифни тезроқ кўриб чиқишлари зарур.

Сўнгра, ўртоқ Степанов иқтисодий район саноатининг етакчи тармоқларидан бири бўлган рангли металлургиянинг проблемалари ҳақида муфассал ғапирди. У айтдики, Дегтяр мис конининг коллективи кон-руда саноатида автоматизацияни кенг жорий қилишда ташаббус кўрсатди, лекин бу коллективнинг тажрибаси бошқа корхоналарда ҳали ҳам тузук қўлланилмай келмоқда. Хомашёдан энг кўп даражада комплекс фойдаланиш рангли металлургия соҳасида техникани тараққий эттиришнинг муҳим йўлларидан биридир. Заводларнинг коллективлари ишлаб турган агрегатларда мис ишлаб чиқаришни энг кўп даражада кўпайтириш устида иш олиб бормоқдалар. Район рангли металлургияси мис ва алюминий ишлаб чиқаришни етти йиллик планда ва мажбуриятларда кўзда тутилганига қараганда анча кўп миқдорда ошириши мумкин.

Докладчи кимё саноати масалаларига ўтиб, дедики, иқтисодий райондаги кимё саноати корхоналари маҳсулот чиқаришни анча кўпайтирди. Пластмассалар ишлаб чиқариш айниқса кўпайтирилади. Бироқ, район саноатининг бу тармоғида фойдаланилмаган имкониятлар кўп. Ҳозир заводларда узлуксиз процесслар ишлаб чиқилди ва ўзлаштирилмоқда, бу эса, шу процесларни автоматлаштириш ва маҳсулот чиқаришни анча кўпайтириш имкониятини беради.

Свердловск иқтисодий районининг корхоналари, деди Ўртоқ Степанов, оғир блюминглар, металлни совуқ ҳолида юпқа қилиб ёйиб берадиган станлар, жуда катта одимловчи экскаваторлар, майдалайдиган-кукунлайдиган ускуналар, йирик кимёвий машиналар, кучли симоб випрамителлар, юқори вольтли ҳаво ҳамда мой қуйилган включателлар, юк вагонлари ҳамда бошқа кўпгина машиналар ва ускуналар ишлаб чиқарилмоқда. Область партия ташкилоти ва Халқ хўжалиги кенгаши мамлакат оғир саноатининг етакчи тармоқларини энг янги ускуналар билан таъминлаш соҳасида ўз зиммаларига катта масъулият юклатилганлигини яхши биладилар. Район заводлари чиқараётган машиналар ва ускуналарнинг кўпчилиги ҳозирги замоннинг техника даражасига жавоб бера олади. Уралмашзавод ишлаб чиқараётган прокат станлари, одимловчи экскаваторлар ва бақувват пресслар ўз конструкцияси жиҳатидан энг яхши намуналардан қолишмайди.

Шу билан бирга, шуни айтиб ўтиш керакки,деб давом қилди докладчи, биз ҳали ҳам ўзининг техника иқтисодий кўрсаткичлари жиҳатидан Ватанимиздаги ва чет эллардаги машинасозлик корхоналари чиқарётган энг яхши намуналардан орқада қолаётган айрим машиналарни чиқармоқдамиз. Бунинг сабабларидан бири шуки, эксперимент ва тажриба цехлари кучсизлик қилмоқда. Халқ хўжалиги кенгашларига давлат томонидан капитал қурилиш учун берилаётган маблағлар ҳисобигагина эмас, шу билан бирга, Халқ хўжалиги кенгашининг ўзи пландан ташқари олаётган жамғармалар ҳисобига ҳам лабораториялар ва тажриба цехлари қуриш ҳуқуқини бериш масаласини ўйлаб кўриш керак эди.

Бу етти йилликда машинасозлар 1.200 тадан кўпроқ янги ва иш унуми юксак машиналар, асбоблар ва аппаратлар яратиб беришлари керак. Йирик машинасозлик заводлари ҳузурида институтлар ташкил қилиниши техникани тараққий эттиришни жадаллаштириши лозим. Бу завод-институтлар саноат етакчи тармоқларининг илмий-техника базалари бўлиб қолишлари лозим. Бундай базаларда инженерлар ва олимларнинг ижодий меҳнати ишчиларнинг уқуви билан жуда яхши пайванд қилинади.

Партия XXI съездининг кўрсатмаларини тезроқ амалга оширмоқ учун Халқ хўжалиги кенгашининг техника-иқтисодий Совети корхоналар, қурилишлар ва институтлар коллективларининг таклифларига асосланиб, ишлаб чиқариш процессларини механизациялаштириш ва автоматлаштиришнинг етти йиллик планини ишлаб чиқди. Бу планда материалларни тайёрлаб берадиган цехларни механизациялаштиришга алоҳида эътибор берилди. Машинасозликни планлаштириш ва саноат корхоналарини ихтисослаштириш масалалари катта аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

Свердловск области корхоналари ва қурилишларининг коллективлари партия XXI съездининг тарихий қарорларини бажариб, ишлаб чиқаришнинг ички резервларидан яхшироқ фойдаланиш соҳасида ҳаммага маълум бўлган бир қанча таклифлар билан чиқиб, бу ишда ташаббус кўрсатдилар. Техникани янада тараққий эттириш учун, давлат топшириқларини ошириб бажариш учун курашда кенг омманинг мусобақаси авж олмоқда, омманинг меҳнатдаги активлиги ва ижодий ташаббускорлиги кучаймоқда.

Ўртоқ Степанов ўз докладининг охирги қисмида айтдики, КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорлари партия ташкилотларини ва бутун совет халқини техникани тараққий эттириш соҳасида қилиниадиган ишларнинг янги программаси билан қуроллантиради ва барча корхоналарнинг коллективларини етти йиллик планни муддатидан олдин бажариш соҳасида олган мажбуриятларини адо этишга сафарбар қилади.

Ўртоқ Степановнинг докладидан сўнг Пленумнинг эрталабки мажлиси тугади.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг 24 июндаги кечки мажлиси Днепропетровск Халқ хўжалиги кенгаши раиси **Н. А. Тихонов** доклади билан бошланди.

Днепропетровск иқтисодий райони, деди докладчи, қора металлургия ва кон-руда саноати юксак даражада ривожланган индустриал райондир. Чўян, пўлат, прокат, темир рула ва марганец руда ишлаб чиқаришда бу район мамлакатда катта салмоққа эгадир. Машинасозлик ҳам бу районда ривожланган. Саноатни ва қурилишни бошқариш қайта қурилганидан кейин ўтган вақт ичида илмий ходимларнинг корхоналар ва қурилишлардаги ходимлар билан ижодий алоқаси анча яхшиланди. Қора металлургия кон-руда саноати ва машинасозликка тааллуқли бир қанча муҳим техника проблемалари олимлар билан ҳамкорликда ҳал қилинди.

Кейинги йилларнинг характерли жиҳати яна шундан иборат бўлдики, заводларда, шахталарда ва қурилишларда янги техникани мукаммал эгаллаб олган ва саноат томонидан қўйилаётган энг мураккаб вазифаларни бажара оладиган ажойиб кадрлар, ишлаб чиқариш илғорлари ўсиб етишди. Рационализаторлар ва ихтирочилар техникани тараққий эттиришда катта ҳисса қўшдилар. Улар фақат ўтган йилнинг ўзидагина 50 мингга яқин таклиф киритдилар. Шу таклифлардан 30 мингтасини жорий қилиш натижасида йилига 175 миллион сўмга яқин маблағ тежалди. Мана шуларнинг ҳаммаси шу йилнинг тўрт ойи мобайнида Халқ хўжалиги кенгаши корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳар бир ишловчига ҳисоблаганда 5 процентдан зиёдроқ ошириш имкониятини берди. Халқ хўжалиги кенгаши саноати ялпи маҳсулот чиқариш беш ойлик планини муддатидан олдин бажарди.

Докладчи дедики, бундан кўра ҳам анча ортиқ натижаларга эришиш мумкин эди, чунки баъзи корхоналар ўз топшириқларини бажармай қолди. Ҳатто, яхши ишлаб турган заводларда ҳам ускуналардан ёмон фойдаланиш фактлари содир бўлди.

Докладнинг катта қисми кончилик ва металлургия саноатида янги техникани ва илғор технологияни жорий қилиш масалаларига бағишланди. Масалан, Кривой Рог ҳавзасининг кончилари ер ости конларини қазишда шундай кўрсаткичларга эришдиларки, бу кўрсаткичлар АҚШнинг айнан шу хилдаги конларида эришилган кўрсаткичлардан тахминан икки баравар ортиқдир. Жаҳондаги ҳамма конларда бир йўла бир-икки қатлам қазилади, аммо, Кривой Рогдаги кончилар бир йўла уч баъзан эса ҳатто, тўрт қатламни бир қазимоқдалар.

Кон-руда саноатида корхоналарнинг техника билан таъминлаш даражаси оширилганлиги техникани тараққий эттиришни таъминловчи муҳим омил бўлди. Кейинги йилларда шахталар бирқанча янги ва иш унуми юксак машиналар ва механизмлар олдилар. Бу эса конларни узунасига қазиш тезлигини 1956 йилдагига нисбатан икки баравар кўпайтириш ва шахталарни бўйига қазиб тушиш тезлигини уч баравар ошириш имкониятини берди.

Ҳозирги вақтда корхоналар илмий-текшириш ва проектлаш-конструкторлик институтлари билан бирликда темир руда ва марганец шахталарини техника билан янада яхши ускуналаш устида иш олиб бормоқдалар. Анча тежамлироқ бўлган пармалаш машиналари кўплаб ишлаб чиқариш учун тайёрлаб қўйилди, олов билан пармалайдиган станокнинг иш унумини 5 — 6 баравар кўпайтирадиган янги типи ўзлаштирилди. Тоғ жинсларини тозалаб олиб, юклаш учун сарф бўладиган вақтни икки-уч баравар қисқартишга имкон берадиган кучли машиналар яратилмоқда. Карьерларда кучли экскаваторлар, шунингдек узлуксиз ишлайдиган шахта ускуналари, ер қазиш ва транспорт ускуналарининг янги комплекти ишлатила бошлади.

Кривой Рог ҳавзасида конларга перфоратор болғачалар билан хизмат кўрсатишнинг гарантияли системаси биринчи марта амалга оширилди. Бу эса, анча диққатга сазовор тажрибадир, деди докладчи. Шу системага кўра, перфораторларни етказиб беруvчи асосий корхона бўлган «Коммунист» заводи бу перфораторларнинг бутун йил бўйи бузилмай ишлашига гарантия беради. Бу тажриба ажойиб натижалар берди, шунинг учун ҳам ҳозир бу тажриба кенг миқдорда қўлланилмоқда.

Ўртоқ Тихонов автомобиль транспортидан кон-руда саноатида кенг қўлланиш масаласини қўяди. Бу тадбир жуда кўп маблағни тежашга имкон беради.

Сўнгра, докладчи кон-руда машинасозлигининг маҳсус тармоғини вужудга келтириш ҳозирги вақтда кечиктириб бўлмайдиган вазифа эканлигини таъкидлаб ўтди.

Ўртоқ Тихонов металлургия саноатида амалга оширилган энг муҳим такомиллаштиришлар тўғрисида ғапириб, дедики, пўлат эритиш ва домна печларида табиий газдан фойдаланиш катта аҳамиятга эга бўлди. Масалан, Петровский номидаги заводда домна ишлаб чиқаришида табиий газдан фойдаланиш бу йил кокс ишлатишнинг камайтирилиши ҳисобигагина 11 миллион сўмга яқин маблағни тежайди. Дзержинский номидаги заводда бўлган бир домна печининг иш тажрибаси алоҳида эътиборга сазовордир. Бу домна печида кислород билан бойитилган ҳаво табиий газ билан биргаликда қўлланилмоқда. Бу тажриба коксни сарфлаш салмоғини тағин ҳам кўпроқ камайтиради ва печнинг унумдорлигини анча оширади. Шу муносабат билан докладчи йирик кислород установкалар вужудга келтиришни жадаллатиш зарур, деган масалани қўяди.

Докладда конвертор цехларнинг ишидаги ижобий тажриба ҳам таъкидлаб кўрсатилди. Бу цехларда ҳосил қилинаётган пўлатнинг сифати мартен печидан олинаётган пўлатнинг сифатидан қолишмайди. Конвертор цехлар қуриш эса мартен печларини қуришга қараганда анча арзонга тушади. Ҳар бир тонна пўлат эритиш учун сарфланадиган маблағнинг салмоғи 35 процент камаяди.

Докладда капитал қурилиш масалалари катта ўрин олди. Капитал қурилиш соҳасида меҳнатнинг прогрессив методлари тобора кўпроқ қўлланилмоқда. Фақат шу туфайлигина «Криворожсталь» заводида мамлакатдаги энг катта «Комсомольская» домна печини нормадаги 10 ой ўрнига саккиз ой ичида қуриш мумкин бўлди.

Кон-руда ва металлургия саноати корхоналарининг коллективлари КПСС Марказий Комитети Пленумини муносиб кутиб олишга тайёрланиб, деди Ўртоқ Тихонов, улар ўзларининг ишлаб чиқариш имкониятларини синчиклаб ҳисоблаб чиққач, руда қазиб чиқариш, чўян, пўлат, прокат, трубалар ва кокс ишлаб чиқариш соҳасида етти йилликнинг охирига планлаштирилган даражага қўшимча капитал маблағлар сарфламай, белгиланган муддатдан икки йил олдин эришишга қарор қилдилар. КПСС Марказий Комитети днепропетровскликларнинг ватанпарварлик ташаббусини маъқуллади. Иқтисодий район меҳнаткашлари ўз социалистик мажбуриятларини шараф билан бажарадилар.

СССР Министрлар Совети Кимё Давлат Комитетининг раиси **В. С. Фёдоров** ўз докладининг бошида айтдики, КПСС Марказий Комитети май Пленумининг ва партия XXI съезднинг қарорлари Ватанимиз кимё саноатини ривожлантиришда бурилиш ясади.

Докладчи айтдики, шу қарорларни амалга ошириш натижасида 1958 йилда кимё саноати корхоналари ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини 104 процент бажариб, ялпи маҳсулот чиқаришни 1957 йилга нисбатан 13 процент кўпайтирдилар. Бу йил иқтисодий районларнинг ҳаммаси кимёвий маҳсулот чиқариш планини бажармоқдалар, кимёвий маҳсулот ишлаб чиқаришни ўтган йилдагига нисбатан шу йилнинг беш ойи ичида 11 процент кўпайтирдилар. Пластмассалар ва синтетик смолалар, синтетик этил спирт, автомобиль покришкалари, синтетик жирли кислоталар ва ювадиган воситалар сингари маҳсулотлар ишлаб чиқариш анча кўпайди.

Кимё саноати корхоналарининг ишчилари, инженерлари ва техниклари, деди ўртоқ Фёдоров, партия ва ҳукуматнинг кимё саноатини ривожлантириш ва уни замонавий ускуналар билан таъминлаш тўғрисидаги гамхўрлигига жавобан ўзларининг ижодий ташаббускорликларинк ошириб юбордилар, меҳнат ғайратини кучайтирдилар.

Докладда айтиладики, ўтган йил ичида кимё корхоналарини қуриш ва реконструкция қилиш суръатлари анча тезлашди. Бу ишда Украина партия, совет ва хўжалик ташкилотлари катта муваффақиятларга эришдилар. Тула партия ташкилоти ва халқ хўжалиги кенгашлари кимё саноати корхоналари қурилишига жиддий эътибор бериб, капитал ишлар планларини беш ой ичида 101 процент бажаришни таъминладилар. Горький, Татаристон, Мурманск, Омск ва бошқа иқтисодий районлардаги қурилишларда ишларнинг суръати анча тезлашди, натижада кимё саноатида май ойи плани 102 процент бажарилди. Ленин комсомоли кимё саноати корхоналарини қуришда актив қатнашмоқда, кимё саноатининг зарбдор комсомол қурилишлари деб аталган энг муҳим объектларини қуришга Ленин комсомоли ўн минглаб йигит ва қизларни юборди.

Машинасозлик корхоналари кимё саноати учун ускуналар чиқаришни кўпайтирдилар, кимё саноатининг илмий-текшириш ва лойиҳалаш базаси кенгайтирилди. СССР Министрлар Советининг Кимё Давлат Комитети ва СССР Фанлар академияси системасида 9 та илмий-текшириш институти ва институтларнинг 11 та филиали ташкил этилди. Янги проектлаш институти ва мавжуд проектлаш институтларининг 14 та филиали ташкил этилди. 150 га яқин илмий-текшириш ташкилотлари, шунингдек кўп миқдорда марказий завод лабораториялари янги полимер материаллар соҳасида назарий ва қидириш тадқиқотлари олиб бориш ишларига жалб қилиндилар.

Шу билан бирга, деди докладчи Марказий Комитет май Пленумининг қарорларини бажариш соҳасида қилинган ишларнинг дастлабки якунлари кимё саноати корхоналарини қуришда, кимё корхоналари учун ускуналар ишлаб чиқаришни ташкил этишда, лойиҳалаш ва илмий-текшириш муассасаларининг фаолиятида катта камчиликлар борлигини кўрсатиб турибди, бу камчиликлар кимё маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг янги қувватларини вужудга келтириш ва шундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш суръатларини сусайтирмоқда.

Ўртоқ Фёдоров ўз докладининг анчагина қисмини шу камчиликларга бағишлаб, кимё корхоналари қуриш, кимё маҳсулоти чиқариш ва шу маҳсулотни яратиш учун ускуналар чиқариш соҳасидаги ишларни, бир қанча илмий-текшириш муассасаларининг фаолиятини анализ қилиб берди. Жумладан, Кемерово, Воронеж, Ярославль, Иркутск, Москва область ва бошқа халқ хўжалиги кенгашлари кимё корхоналари қуриш планларини бажармаётирлар. Синтетик каучук, кимёвий толалар, синтетик спирт ва аммиак саноатининг Бошқирдистон, Олтой, Куйбишев, Озарбайжон Халқ хўжалиги кенгашларидаги бир қанча қурилишлари металл, трубалар, кабеллар, арматура, шунингдек ҳар хил бинокорлик материаллари билан ёмон таъминланаётганликлари учун қийинчиликка учрамоқдалар. Қурилишда бурилиш ясамоқ учун, деди докладчи, индустриалштириш ва механизациялаштириш даражасини ошириш, қурилиш ва монтаж ишларининг ташкил этилишини яхшилаш, қурилиш ташкилотларининг қувватларини кенгайтириш тадбирларини ишлаб чиқиб, бу тадбирларни амалга ошириш зарур ва ҳоказо.

Кимё машинасозлигини ривожлантиришда бир қанча нуқсонлар бор. Бунинг натижасида корхоналар кўпинча эскириб қолган ускуналарни олмоқдалар. Бу камчиликни йўқотмоқ ва техникани янада тараққий эттиришни таъминламоқ учун партия Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети 1959 йилда мамлакатнинг 162 та машинасозлик заводида кимё саноати учун 1.300 дан кўпроқ янги типдаги ускуналар, асбоблар ва арматуралар ишлаб чиқиш ва тайёрлашни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Сўнгра, докладчи айтдики, илмий-текшириш ишларини тез ривожлантириш, кимё фани ва техникасининг энг янги муваффақиятларини ҳисобга олиб, ишлаб чиқилган техника ҳужжатлари билан қурилишларни ўз вақтида таъминлаш КПСС Марказий Комитети май Пленумининг қарорларини муваффақиятли бажармоқ учун катта аҳамиятга эгадир.

Сўнгра, докладчи илмий муассасалар ишларининг тематикасини қайтадан кўриб чиқиш зарурлигини уқтириб ўтди. Олимларнинг асосий ижодий кучларини бугунги куннинг энг муҳим конкрет вазифаларига қаратиш зарур.

Ўртоқ Фёдоров ўз докладининг охирида айтдики, совет халқи кимё саноатини жадал ривожлантирмоқ учун, бу саноатнинг ҳамма тармоқларида техникани тараққий эттирмоқ учун фидокорона курашни авж олдириб юборди. Докладчи ишонч билдириб айтдики, бу ишдаги ҳозир мавжуд бўлган камчиликларнинг ҳаммаси муваффақиятли равишда тугатилади ҳамда КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми ва партия XXI съезди томонидан қўйилган вазифа муддатидан олдин бажарилади.

Шу билан кечки мажлис тугади.

25 июнда КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини давом эттиради. (ТАСС).

Тошкент области давлатга сут сотиш планини бажарди

Кеча, 25 июнда Тошкент области давлатга сут сотиш бўйича ярим йиллик планини муддатидан илгари 102,5 процент қилиб бажарди.

Тошкент области районларининг бирлаштирилиши

Халқ хўжалигига раҳбарликни яхшилаш, маъмурий-бошқарув аппаратини ҳамда бу аппарат харажатларини камайтириш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, Тошкент областининг баъзи районлари бирлаштирилди. Янги районларда район партия комитетларининг пленумлари, район Советларининг сессиялари бўлиб, уларда партия ва Совет раҳбар органлари сайланди.

Мирзачўл ва Гулистон район партия комитетларининг бирлашган пленумида Гулистон район партия комитетининг биринчи секретари қилиб К. Укубоев, район партия комитетининг секретарлари қилиб К. Ф. Пронин ва А. Маҳмудхоновлар сайланди. Район Советининг бўлиб ўтган сессиясида Гулистон район ижроия комитетининг раиси қилиб Т. Умаров сайланди.

Юқори Чирчиқ ва Паркент район партия комитетларининг бирлашган пленумида Юқори Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари қилиб Ю. Иброҳимов, район партия комитетининг секретарлари қилиб М. В. Ким ва С. Нуриддиновлар сайланди. Район Советининг қарори билан И. И. Каримов Юқори Чирчиқ район ижроия комитетининг раиси қилиб сайланди.

Бекобод шаҳар ва район партия комитетларининг бирлашган пленумида Бекобод район партия комитетининг биринчи секретари қилиб И. К. Каримов, район партия комитетининг секретарлари қилиб И. К. Хуснуддинов ва А. Қодировлар сайланди. Маҳаллий Совет сессиясида Бекобод район ижроия комитетининг раиси қилиб Ғ. Қодиров сайланди.

Верхне-волинск ва Сирдарё район партия комитетларининг бирлашган пленуми бўлиб ўтди. Сирдарё район партия комитетининг биринчи секретари қилиб И. И. Каримов, секретарлари қилиб Н. Д. Зуев ва М. Мирқурбоновлар сайланди. Сирдарё район Советининг сессиясида А. А. Аҳмедов район ижроия комитетининг раиси қилиб сайланди. (ЎзТАГ).

Ҳар туп ғўзани кўз қорачўғидай асраб парвариш қилайлик!

Ғўзани ғоят эҳтиётлик билан суғориб, культивацияни сифатли ўтказайлик

А. Д. ДАДАБОЕВ,
Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг вице-президенти.

Яқинда мен областимиз далаларида бўлиб, колхозчилар, совхоз ишчиларининг ғўза парвариши соҳасида олиб бораётган ишлари билан танишиб чиқдим. Шуни қувонч билан қайд қилишим керакки, колхозчилар, совхоз ишчилари зиммага олинган социалистик мажбуриятни шараф билан бажариш мақсадида фидокорона меҳнат қилаётирлар. Кўп участкаларда белгиланган миқдорда кўчат бор, ғўзанинг ривожи яхши, яганалаш ишлари асосан тугалланган, далалар бегона ўтлардан тозаланган, трактор икки томонлама ишлаб турибди, ҳашаротга қарши кураш ҳам яхши йўлга қўйилган. Бундай ерларда обҳаво ноқулай келишига қарамасдан, ғўза яхши ривожланиб, ёпиасига гул кўрсатаяпти.

Ғўза парвариши соҳасидаги ютуқлар билан бирга ҳали камчиликлар ҳам кўп. Дастлаб шуни айтиш керакки, кўп жойларда суғориш агротехникаси бузилмоқда, ғўза талабига қараб қондириб суғорилмаётир. Хусусан сизот сувлари чуқур бўлган жойларда ғўза сувдан қолдирилаётганлигининг гувоҳи бўлдим. Бундай ерларнинг пахтаси мажмағил, нимжон бўлиб, тузук ўсмаётир, бунинг устига яганаси ўз вақтида ўтказилмаган ерлар ҳам анчагина бор. Масалан, Бўка районидаги «XX партсъезд» колхозини олиб кўрайлик. Колхознинг 5-бригадасида ҳалигача ягана тугалланмаган. Колхозчилар бўйи чўзилиб қолган бу ғўзаларни яганалашни эндиликда кўзлари қиймайди, албатта.

Бу йил ғўзани икки томонлама ишлашга кўп жойларда алоҳида аҳамият берилаётир. Лекин шундай хўжаликлар ҳам борки, икки томонлама ишлаш планини бажармаётир. Бу каби хўжаликлар ғўзани кўндалангига ишлаш топшириғини бажармасдан, катта хато қилмоқдалар, шунинг учун ҳам уларнинг ерларидаги ғўзаларнинг аҳволи оғир, ривожи суст, ўт босиб кетмоқда. Бунинг устига чопиқ ишлари ҳам кеч ва сифатсиз ўтказилаяпти.

2-«Далварзин» совхозининг 5, 7-бўлимларида худди шундай қилинмоқда. Ғўзани кўндалангига ишлаш принципи бузилаётир. Натижада механизмлар бекор туриб қолмоқда, кўпроқ қўл кучидан фойдаланаётир. Бўлим раҳбарлари оз меҳнат сарф қилиб арзон баҳода мўл ҳосил етиштириш тўғрисида берган ваъдаларини унутиб қўймоқдалар.

Кўпчилик жойларда культивациядан кейин чопиқ ўтказилмоқда. Баъзибир карталарда сизот суви юза, ҳаво паст бўлганлиги сабабли у ерларнинг ғўзалари суғоришни талаб қилмайди. Бундай ерлардан ўт ўсиб чиқмоқда. Маълумки, бегона ўт ғўзанинг сувига, озиғига шерик бўлиб, уни ривожланишдан қолдиради. Бегона ўтни ўз вақтида йўқотиш тадбирлари белгиланиши керак. Ана шундай тадбирлардан бири ғўзани қуруқ культивация қилишдир. Ғўза қуруқ культивация қилинса, эгатлардаги ўт ўлдирилади, пахтанинг томирларига иссиқлик етиб боради. Бу унинг ривожланишини тезлаштиради.

Бу йил ғўзани эрта муддатларда озиқлантиришга алоҳида аҳамият берилаётир. Кўпчилик жойларда бу соҳадаги топшириқ муваффақиятли бажарилаяпти. Бу яхши. Пахтакорларимиз ғўзага эрта муддатларда солинаётган ўғитлардан ўсимлик тўла фойдаланишини таъминлашлари лозим. Бошқача қилиб айтганда, эрта муддатларда солинган ўғитни ўсимликнинг «охшона»сида нобуд қилинмасдан сақланишига эътибор бериш керак. Демак, кўриниб турибдики, бу вазифани бажаришдаги ҳамма масъулият ва оғирлик сувчининг зиммасига тушади. Шу туфайли сувчилик касбига ғоят уста кишиларни танлаб қўйиш лозим. Шу кеча-кундузда ҳосилнинг тақдирини ҳал қиладиганлардан бири сувчи ҳисобланади. Агар сувчи ўз ишига масъулиятсизлик билан қараб, ғўзани бостириб ёки кўллатиб юборса, сувни тез оқизса сув ғўзага эрта муддатларда берилган ўғитни ўзи билан бирга ювиб олиб кетади, ўсимликнинг илдизлари очилиб қолади, у вақтда эрта муддатларда озиқлантиришнинг ҳеч бир аҳамияти қолмайди, аксинча ҳосилга путур етади.

Ҳосил тақдирини ҳал қилишда трактorчи ҳам муҳим роль ўйнайди. Ҳозирги пайтда ҳосилнинг тақдири асосан шу икки кишининг қўлида деб бемалол айтиш мумкин. Трактorчиларимиз ана шу масъулиятни ҳис қилган ҳолда меҳнат қилишлари лозим. Механизатор сувдан сувгача бўлган муддатни узайтириш учун ҳаракат қилиши керак. Мен демоқчиманки, у, қатор ораларини ер ёрилиб кетмасдан, ўз вақтида культивация қилсин. Шунда ерда намнинг узоқ вақт сақланиб қолишини таъминлаган бўламиз. Ер ўз вақтида культивация қилинса, тупроқ усти донадор бўлади. Нам узоқ сақланади. Колхоз ва совхоз раҳбарларининг асосий диққат-эътибори ҳозирги кунда ана шуларга қаратилиши лозим. Механизаторлар ва сувчиларнинг унумли ишлаши учун барча шароитларни яратиб бериш лозим. Лекин кўп жойларда шундай қилинмаётир. Масалан, Пискент, Бўка районларида тунда ишлайдиган сувчилар чироғлар билан таъминланмаган. Бу албатта ишнинг сифати ва суръатига таъсир қилмоқда. Суғоришдан сўнг 3 — 4 кун ўтгач, дарҳол ернинг шароитига қараб культивация ўтказиш, культиваторларнинг иш органларини тўғри ўрнатишга алоҳида диққат қилиш лозим.

Бу йил ҳосилнинг бир қисмини машинада териб олиш мақсадида кўпгина майдонларга чигит 60х60 схемаси билан квадрат-уялаб экилди. Лекин ана шундай майдонларда кўчат тупларининг қалинлиги белгиланган даражада эмаслиги сезилмоқда. Демак, ундай ерларда ҳар бир туп ғўзани кўз қорачўғидай сақлаш керак. Илмий муассасалар, илғор хўжаликларнинг бой тажрибаларига суяниб, бундай участкаларни агротехника қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда парвариш қилиш, ғўзанинг ғовлашига, унумсиз шохларининг кўпайиб кетишига йўл қўймаслик талаб қилинади. Бунинг учун ҳар бир участкaнинг ғўзасини алоҳида-алоҳида, ғўзанинг талаби, ернинг шароитига қараб парвариш қилиш, машина теримига пухта тайёрлаш лозим.

Шуни айтиш керакки, кўп хўжаликларда маҳаллий ўғитдан етарли фойдаланилмаётир. Агар маҳаллий ўғитдан фойдаланилса, у ерни донадор қилади, юмшатади, намни кўпайтиради, битта суғоришни камайтириши ҳам мумкин.

Қишлоқ хўжалик зараркунандалари билан курашишни ҳам унутмаслик керак. Бу, бутун жамоатчиликнинг иши бўлсин. Мана бу картага ҳашарот тушган эди, дорилаб қўйдик, энди ишимиз битди деб сира хотиржамликка берилмаслик керак. Ғўзани ҳамма вақт текшириб туриш талаб қилинади. Гулистон районидаги «Красная заря» колхозида ғўза вильт касали билан оғриганлиги аниқланди. Тажриба ерда нам ҳаддан ортиқ кўпайиб кетса, ғўза вильт касали билан оғриши мумкинлигини кўрсатди. Шунинг учун бундай ерларда сувни бироз камроқ қўйилса касаллик тарқалмасдан йўқолиб кетиши мумкин.

Булардан келиб чиқадиган хулоса шуки, областимиз колхоз ва совхозларида ғўза парвариши соҳасида масъулиятли кунлар ўтиб бормоқда. Пахтакорларимиз юқоридаги сингари камчиликларни тезда тугатиб, ғўзанинг агротехника талабларига риоя қилган ҳолда парвариш қилишнинг таъминлашлари лозим. Июль ғўза парваришида ҳал қилувчи ой бўлиши керак. Ҳаммамиз ана шу шиор билан ишлаб, мўл ҳосил етиштириш учун барча тадбирларни амалга оширайлик.

Икки механизатор беллашмоқда

Қаҳратон қиш кунларининг бири эди. Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг аъзоси Холмат Қўзибоев колхоз правлениесига ариза кўтариб кирди. Маълум бўлишича, у шоферлик касбини ташлаб, пахтачилик звеносини бошқаришга аҳд қилибди. Колхоз раҳбарлари хайрон бўлишди. Ўзингизнинг касбингиз ёмон эмаску, дейишди.

Холмат ўз фикрида қаттиқ туриб олди. Шундан кейин унга 35 гектар ер ажратиб бердилар. Битта трактorни биркитиб қўйдилар.

Ҳозирги кунда звеноннинг кетмонсиз парвариш қилинган ғўзалари мўл шона тўплаб, гуллай бошлади. Бу, 35 гектар ернинг ҳаммасида мўл ҳосил етиштирилажагидан дарак бериб турибди.

— Биз пахтадан мўл ҳосил етиштиришда машҳур механизатор Ўртоқ Бибаров билан мусобақалашганмиз, — дейди Ўртоқ Қўзибоев, — шунинг учун ғўза парваришининг ҳамма босқичида фурсатни қўлдан бой бермай, ишни жадаллаштираяпмиз. Унинг сифатига ҳам катта эътибор бераяпмиз.

Звено аъзолари ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилганлар. Пахтанинг 80 процентини машинада териб олиш мўлжалланган. Ана шу мақсадда ғўзанинг ғовлаб кетмасдан мўл ҳосил тўплаши учун астойдил курашаяптилар.

М. ЮСУПОВ.

Булар ҳам ғанишерчилар

Бригадир Тилов Абдалиевни 1-«Боёвут» совхозида кўп киши танийди. Яқинда ташаббускор бригадир Ғанишер ака Юнусов Тилов ака бошлиқ бригада далаларида бўлди. Ғўзанинг ривожланиши дурўст бўлганлиги учун донгдор пахтакор бригада аъзоларидан хурсанд бўлди.

Бригада аъзолари Ғанишер ака томонидан берилган маслаҳатлардан кейин ғўза парваришини яна ҳам кучайтириб юборишди. Ҳозир 213 гектар майдондаги ғўза текис шоналади. Ўтган йили пахтакорлар 180 гектар майдондан 32 центнердан ҳосил олишган эди. Бу йил эса пахта ҳосилдорлигини 35 центнерга кўтаришмоқчи. Ана шу мақсад билан ишлаётган бригада аъзолари меҳнатда яхши патижаларга эришаётирлар. Ж. Саидқулов, К. Холиқулова, А. Алматов, Ж. Гулматова сингари ўртоқлар эса нормани икки баравардан ошириб бажаришаяпти.

Ш. ХОЛИҚУЛОВ.

Жанубий Қозоғистон область пахтакорлари Тошкент область пахтакорлари билан ўзаро мусобақалашиб, қишлоқ хўжалиги, жумладан пахтачиликни ривожлантириш учун астойдил курашаётирлар. Яқинда «Пахтаорол» совхозидан келган бир гуруҳ ўртоқлар 1-«Боёвут» совхози пахта далаларида бўлдилар. Улар ғўза парваришининг аҳволи билан чуқур танишиб, бу ерлик дўстларга қимматли маслаҳатлар бердилар. Меҳмонларнинг ўзлари ҳам ғўза парваришидаги айрим фойдали тажрибаларни ўргандилар. Суратда: (чапдан) «Пахтаорол» совхозининг бош инженери М. Топада, 1-«Боёвут» совхозининг бош инженери А. Турсунбоев ва 8-бўлимдаги трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи С. Абкеримов ўртоқлар.

Р. Шамсуддинов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Ғанишер Юнусов тажрибаси асосида

Коммунист ўртоқ Холмат Бойжигитов бошлиқ бригада даласида бўлганимизда қуёш эндигина тоғ орқасидан мўраламоқда эди. Шундай бўлишига қарамай дала гавжум — ҳамма ўз ишини билиб қиларди...

Бу бригада Ғанишер Юнусов ташаббусига қўшилиб, 105 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилган. Ҳозирги ишлар ана шунга яраша. Колхозчилар ғўзага яхши ишлов берилиб, ўз вақтида озиқлантирилиб, қондириб суғорилмаса ҳосил кам бўлиб, кузда ваъданинг бажарилмай уятли бўлиб қолишларини чуқур ҳис қилган ҳолда меҳнат қилмоқдалар.

Бригаданинг барча майдондаги ғўзалари 3 марта ўзунасига, 2 марта кўндалангига культивация қилиниб текис шоналатиб олинди. Коммунист ўртоқ Эшмурод Умаров бошлиқ звенода пахтаси машина билан теришга ажратилган 40 гектарлик картанинг ғўзаси, айниқса яхши ривожланмоқда, 3 — 4 кун ичида текис гулга киради.

Шу кунларда бригада аъзолари Ғанишер Юнусов тажрибасини қўллаб, ғўзани суғормоқдалар. Суғоришдан олдин СУЗ билан гектарига 250 килограммдан ўғит солинмоқда.

— Ҳосилдорликни оширишда, — дейди звено бошлиғи ўртоқ Умаров, — ғўзани пушта ташлаб суғориш жуда катта аҳамиятга эга экан. Биз буни ўтган йилги тажрибада синаб кўрдик. Бултур биз шу 40 гектарли ердаги ғўзамизни эгат ташлаб, 7 гектарли картадаги ғўзани эса пушта қолдирмай суғордик. Парвариш ҳар иккала картада ҳам бир хил ўтказилди-ю, лекин 40 гектарликка нисбатан 7 гектар ердаги ғўза 3 центнердан кам ҳосил берди. Кейин билсак, ғўза эгат қолдирмай суғорилса, ер қотиб кетиб, ўсимлик илдизини қисиб қўйиб, ҳосилнинг бир қисмини ташлаб юборар, баъзан эса касалликка ҳам чалинар экан.

Биз звено аъзоларининг ғўзани ҳосилни машина билан теришга мослаб парвариш қилаётганликларини кўриб қувондик. Қўлинг дард кўрмагурлар ғўзани шундай ўстирибдики, уларнинг ҳаммаси бир текис нормал қалинликда.

Бригадада суғориш, культивация қилиш ишлари бир-бирига боғлаб ўтказилмоқда. Картада бегона ўт йўқ. Қисқаси сифатли ишлов берилиб, тупроқ доим юмшоқ ҳолда сақланганлиги сабабли бригада ғўзалари яхши ривожланмоқда.

Т. ИУЛДОШЕВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхози.

ДАСТЛАБКИ НИШОНАЛАР

Бу йил Гулистон районидаги Крупская номли колхоз аъзолари пахтадан мўл ҳосил етиштиришга қатъий бел боғлашди. Колхозда Ғанишер Юнусов ташаббусига қўшилган бригадаларнинг сони кўпайди. Шу кунларда тажрибали пахтакор Ортиқбой ака Отақулов бошлиқ бригадада, айниқса ғўза парвариши қизғин бораётир. Бригада аъзолари ҳар гектар ердан камида 40 центнердан пахта ҳосили етиштирмоқчи.

Шу кунгача бригадага қарашли ғўзалар икки марта озиқлантирилиб, текис шоналатиб олинди. Айрим карталарда онда-сонда гул ҳам кўринаяпти. Ўртоқ А. Қурбонов бошлиқ бригада аъзолари ҳам пахта ҳосилдорлигини ошириш мақсадида тер тўкиб меҳнат қилаётирлар.

Бригада аъзолари ўтган йили 60 гектар ерда ғўза ўстиришиб йил охирида пландаги 23,5 ўрнига 28 центнердан пахта ҳосили топширган эдилар. Улар бу йил 120 гектар ерга чигит экдилар. Ҳозирги кунда деярлик кетмонсиз ишланаётган ғўзаларга учинчи марта ишлов берилмоқда.

Абдулла ака бошлиқ бригада аъзолари 50 гектар майдондаги ғўзанинг пахтасини машинада теришга мўлжаллаб, алоҳида парвариш қилишаяпти. Улар июнь ойида ғўза парваришини анча кучайтирдилар. Чунки ҳозир шона гулга, гул кўсакка айланаётган пайт. Дала ишлари ҳозиргидай олиб борилаверса, ҳосилдорликни 40 центнерга кўтариш юзасидан олинган социалистик мажбурият албатта, бажарилади.

Х. ИСАЕВ,
Р. ЖАББОРОВ,
Х. БОБОЖОНОВ.

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

Калинин. Охунбобоев номли колхоз аъзолари ўртоқ Т. Юнусовни ҳурмат билан тилга оладилар. Бу бечиз эмас. У бошлиқ трактор-далачилик бригадасида сабзавот ва картошка экинлари механизация воситасида парвариш қилиниб, мўл ҳосил етиштирилмоқда. Юнусовнинг шогирдлари Зоир Умаров, Эркин Мадраимов ўртоқлар ҳам яхши натижаларга эришмоқдалар, Сабзавот экинларини сифатли парвариш қилмоқдалар.

М. Санаев.

* * *

Гулистон. «Коммуна» колхозидаги ўртоқ Исроил Камолов бошлиқ бригада аъзолари 80 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан пахта ҳосили етиштириш учун курашаётирлар. Мўл ҳосил учун курашда механизатор Йигитали Жўраев актив қатнашиб, кунига 8 — 9 гектар ернинг ғўзасини сифатли культивация қилмоқда.

Ҳ. Халилов,
М. Эшонқулов.

ҚИЁТ ПАХТАЗОРЛАРИ

ОЧЕРК

Эрта билан шишадай ярқираб турган осмон тушга келиб қуроқ чодирга ўхшаб қолди, яна бир чой фурсати ўтмай момоқалдироқ гулдиради. Тоғдан кўчан оғир булут осмонга эмас, гўё раиснинг юзига ёпирилиб келаётгандек туюларди. Мана, сержаҳл шамол ҳам сел қуйиб келди.

— Юрка, қани тезроқ машинангни ҳайда! — деди раис машинага чаққон ўтирар экан.

Шофер қаёққа боришини раисдан сўраб ўтирмасданоқ машинасини Ильич участкасига учириб кетди.

Раис «дардимни сен ҳам биласан, йигит, ҳа, ҳаммамизнинг ташвишимиз бир» дегандек шоферга маъноли қараш қилди. Шофер эса икки кўзини ёмғир савалаб ётган пастуқ-баланд йўлдан узмай, лой сачратиб, 13-бригадага етиб келди. Раис машинадан сапчиб тушиб, эгат оралаб юриб кетди. Бемоврут ёмғир шиддатига дуч келган ғўза кўчатлари нажот кутгандай қилвираб турарди. Раис бандидан кўчиб, ерда ётган ғўза япроқларини териб ола бошлади. Юрка ҳам бир жойда тўкилган баргларни териб унга жим қараб ўтирарди.

Осмон яна гулдиради. Эгатнинг нариги чеккасига етиб олган раис осмонга бир ҳўмрайиб қараб, яна тез юриб кетди. Атрофда ҳеч ким кўринмайди. Ҳамма ёмғирдан қочиб, пана-панага уриб кетган. Шу маҳал мотор овози эшитилди. Катта тут дарахтининг орқасидан «универсал» аста-секин чиқиб келди. Алибек Ўтаганов тракторини раис ёнига келтириб тўхтатди.

— Нима қилмоқчисан ҳозир, — деди раис универсалчига.

— Эгат оралайман, — деди ярми культивация қилинган картага қараб Алибек.

Бу вақт тўполон кўтариб келган сел, бирданига тиниб, осмон яна ҳеч нарсани кўрмагандай ярқираб турарди.

— Ғўзага шикаст етди. Унинг ярасини ҳозирдан бошлаб даволамасак нимжонлигича қолиб кетаберади. Қани машинангни юргиз бўлмаса, ука. Ишинг пухта бўлсин. Яхшилаб дорила, культивациянг жойида бўлсин.

Трактор юриб кетди. Раис иккинчи картага, ундан 3—4-карталарга ўтди. Сел ёғиб ўтган далаларнинг ҳаммасини кечгача кезиб чиқди, шикаст етказилган ғўзаларни аниқлади. Кечаси бригадирларни йиғиб, аҳволни тушунтириб, дўл урган ғўзаларга қўшимча парвариш бериш ҳақида кўрсатмалар берди.

Иккинчи куни раис яна 13-бригадага келди. Бригада бошлиғи Комил ака Рустамов «универсал» кетидан юриб, ғўза ораларининг ишланишини кузатмоқда эди. Раис бригадир билан карталарни айланиб, тўқайдаги ерга келиб тўхтаб қолди.

— Шунча парвариш қилсак ҳам ўзини ўнглолмаяпти, — деди бригада бошлиғи япаски ғўзаларни кўрсатиб.

— Ғўзанинг умри бизнинг қўлимизда, боқсак бўрдоқи бўлади, боқмасак бултургидек хирмоннинг қути учиб, лабимизни тишлаб қолаберамиз, — деди раис. Сўнг бригада бошлиғига баргини сел юлиб кетган ғўзани кўрсатиб гапида давом этди, — ғўзанинг яшнаши ишнинг кўзига қарайди. Культивация ҳам, дорилаш ҳам, суғориш ҳам меёрида бўлмаса кўчатлар ўзини кўрсатабермайди. Пилла қуртини илгари бир ярим ойга яқин боқиб, кейин пилла олардик. Эндиликда-чи, 18 — 20 кун деганда дастага киради. Бу — узлуксиз парваришнинг оқибати. Ғўзани ҳам ана шундай ўз тўйимида узлуксиз боқсак, юзимизни қизартириб қўймайди.

Бригада бошлиғи гапнинг мағзини чақиб индамай ўтирарди. Раис сўзини тамомлагач, у бошини кўтарди:

— 50 гектар еримиздан 16 гектарида кўчатларнинг ривожи паст. Бу далага қўшимча боқув берамиз. Техника-ю — куч етарли, гўнгўғит бор, гап ўзимизда қолган. Қараб турмаймиз. Эртадан бошлаб дўл урган ғўзаларни дорилаб, суғоришга киришамиз. Насос тўхтамаса бўлгани, — деди ишонч билан.

— Насос ишга тахт қилиб қўйилган, — эртадан бошлаб албатта дорилаб, суғоринг, — раис шуни тайинладида хайрлашиб, бир томонга, насос ўрнатилган жойга йўл олди. Мана, насос анжомлари сув тортишга тайёр. Раис бундан қаноат ҳосил қилди-да, кейин атрофга қаради. Пастда — узоқ-узоқларда колхоз пахтазорлари ёйилиб ётибди. Ҳар жой, ҳар жойда қамишзорлар кўринади. Дарахтзорлар орқасида Сирдарёнинг сайқали жилваланади. Раис Абдурахмон ака Абдурахимов бу ерга биринчи марта келган кишидек қадрдон далаларни завқ билан кўздан кечирарди.

Колхоз ерлари дарё атрофига жойлашган. Бу ерда ўжар Сирдарё ўз йўлини тез-тез ўзгартириб туради. Шиддатли оқим ўзига қўлтиқ ясаб олади-да, сўнг унга тўлқин отиб, қулатиб қиргоқларни аста-секин кенгайтириб бораверади. Натижада эски ўзан тўқайга айланиб, янги оқова йўл пайдо бўлади. Колхоз ерлари ҳам худди дарё устида пайдо бўлгандек, ҳар доим намиқиб туради. Шунинг учун иккинчи парвариш тамом бўлишига қарамай, ҳозиргача бир марта ҳам суғорилмаган пахтазорлар бор.

Тўқайдан тустовуқнинг «қийқ-қийқ» деган овози эшитилди. Лекин бу ажойиб қуш овози ҳеч кимни қизиқтирмади. Раис қирдан аллақачон пастга тушиб ғўзаларни суғориш учун эгат олаётган тракторчилар ёнига етиб қолганди.

Ҳозир долзарб вақт. Ғўза кўчатларининг қалинлиги, ҳар бир туп кўчатнинг ривожи коллектив хўжаликнинг фикри-ёдини чулғаб олган. Каттадан-кичик эгат оралайди. Бир картада сув таралса, иккинчи картада трактор гуриллайди. Учинчи картага кўз ташласангиз уватга дори келтирилаётганлигини кўрасиз.

Катта картада Бойназар ака Бегимқулов тракторни чаққон бошқариб бормоқда. У гоҳ тракторга, гоҳ эгат ораларига қарайди. Ғўза кўчатлари суғориш олдидан дорилаб культивация қилинмоқда. Бир хилда ўсиб-яшнаб турган ғўза кўчатлари текис квадратлар ҳосил қилмоқда. Қайси томондан қараманг ернинг у чеккасидан бу чеккасига қадар яшил квадратлар қаторлашиб кўринади.

— Квадратда барака кўп, — дейди Бойназар ака, — биз илгари йиллари оддий усулда ғўза ўстириб, пахтадан кам ҳосил олиб келдик. Бултурги ишни қаранг. Ҳар гектаридан атиги 13 — 14 центнердан пахта олсак-а! Бунга кетмон айбдор. Кетмонга ишониб иш тутган бизнинг ўзимиз ҳам айбдормиз.

Мана бу йил иш бошқача бўлди. Бойназар ака трактор-далачилик бригадасига бошчилик қилиб, 20 киши билан 90 гектарга чигит экди. Кетмонни четга суриб, квадратга — тракторга кенг йўл очиб бериб қўйди. Ғўза кўчатлари икки томонлама сифатли ишланиб, роҳатланиб, яйраб ўсмоқда. Бегона ўтни кўрмайсиз. Колхознинг кўчма Қизил байроғи шу бригада дала шийпонида ҳилпираб турибди.

— Байроқни олиш учун бел ушлашганлар кўп, лекин бизлар бўш келмаяпмиз, шунинг учун у бизнинг даламиздан кетгиси келмаяпти, — дейди колхозчилар.

Бу участкада ўтган йили пахта тайёрлаш плани бажарилмади. Колхоз бўйича ҳам план бажарилмади. Колхозчилар уялиб қолишди. Ҳар ким айбни ҳар хилда йўйиб, афсусланиб юрди. Бу йил баҳорда икки колхоз билан бирлашиб «Победа» номини олди. Колхозчиларнинг умумий йиғилишида Бойназар ака сўзга чиқиб «колхоз номига яраша ишлайлик, ишимизда галаба бўлсин, ҳосилимизда барака бўлсин» деди. Ҳамма қарсак чалиб, бу илғор пахтакорнинг сўзини тасдиқлаган эди. Бойназар ака кўпчилик ўртасида юқори ҳосилга ваъда бериб, майдонга бел боғлаб чиқди.

Ерни кузда ҳайдаб қўйган эди. Шунинг учун чигитни 20 апрелгача барвақт экиб олди. Ғўза нишонасини ерда кўриши биланоқ, парваришни бошлаб юборди. Ҳозир бу илғор бригада далаларида учинчи парвариш айни авжида!

Колхозда Бойназар ака бошлиқ бўлган бригадага ўхшаб, ишни юриштириб юборган бригадалар оз эмас.

Мана, Мамасоли ака Очилов, у кўп йиллардан буён 9- бригадани бошқариб келмоқда. Бригаданинг 100 гектар пахта майдонида ғўза кўчатлари шоналаб турибди. Шу кенг майдондан 10 гектарига сув таралди.

— Қолганларингичи? — деб сўрасангиз, Мамасоли ака атрофдаги намиқиб турган ерларни кўрсатади, ва — қаранг, бу ерларни суғориб бўладими, суви ўзи билан бирга, — деб жавоб қайтаради.

Мамасоли ака, «Ер тўйса, эл тўяди» деган халқ мақолини мисол келтириб, ўз бригадасига қарашли ерларни тўйдириб, юқори ҳосил етиштириш ҳақида сўзлайди. У, фақат, ўз бригадасинигина эмас, 1260 гектар ерда пахта етиштираётган колхоз мажбурияти тўғрисида ҳам фикр юритади. «Ёлғиз отнинг чанги чиқса ҳам донги чиқмас» дейди у. Камҳосилли, камқувват уч колхоздан ташкил топган янги, гигант колхознинг катта коллективи, қудратли хўжалиги бор. Ана шу азм куч уюшиб, зўр ғайрат билан ишласа, кутган нарсасини ундира олади, албатта.

— Биз ғулистонлик Ғанишер Юнусовнинг ғайратини табриклаб, унинг бизларга қарата чиқарган хатини ўқиб чиқдик. Хатни ўқиб чиқиб, ҳар гектардан 25 — 30 центнердан пахта етиштиришга яна мажбурият олдик. Бу — мажбурият — ўтган йилдагига қараганда икки баравар кўп пахта бериш демакдир. Еримизнинг шароитига қараб, мана шундай ҳосилга ваъда бердик. Келажакда бундан ҳам юқори ҳосил кўтаришга ҳаракат қиламиз.

Бригада бошлиғининг бу сўзи бутун колхоз аъзоларининг фикри эди. Колхоз бирлашиб, янги правление сайланди, кўплаб техника кучлари келтирилди, алмашлаб экиш йўлга қўйилди. Янги раис Абдурахмон ака агрономдан чиққан раҳбар бўлгани учун, агротехника ва колхоз хўжалигига жуда катта эътибор бериб келмоқда. Раис билан суҳбатлашиб қолсангиз, колхоз ҳаётидаги 3 та янгиликни мисол келтиради. У, бармоғини букиб, «биринчидан ҳамма ерларга квадрат-уялаб чигит экдик, иккинчидан кетмонни пахтазордан суриб чиқардик, учинчидан ҳамма бригадаларни хўжалик ҳисобига ўтказдик» дейди. Раиснинг бу уч мисолида колхоз истиқболи яшнаб турган ғўза кўчатларидай ярқираб турипти.

Бу йил катта техника ёрдами билан 140 гектар янги ер ўзлаштирилди. Шўру-зах ерларнинг ҳар гектарида 80 — 90 минг тупдан нормал ғўза кўчатлари ундириб олинди. Ҳозир колхознинг 26 универсали, 2 ОДН машиналари ана шу ғўза кўчатларини парвариш қилмоқда. Ерларнинг ҳосилдорлигини кўтариш учун минерал ва маҳаллий ўғитдан унумли фойдаланилмоқда. Колхоз далаларига 476 тонна суперфосфат, 378 тонна селитра, 111 тонна сульфат-аммоний келтирилди. Ҳар гектар учун 10 тоннадан маҳаллий ўғит тайёрланди. Булардан ташқари колхознинг 13 юк машинаси яқин-йироқлардан маҳаллий ўғит ташиб келмоқда.

Колхоз ерлари ёз фаслининг гўзал кўркини кўз-кўз этиб турибди. Колхозчилар тонгдан қош қорайгунча эгат оралаб, ҳар кўчатнинг тез ва серҳосил бўлиб ривож топиши учун меҳнат қилмоқдалар.

Қиёт ерларини баъзи бировлар камҳосилли ерлар, деб келар эдилар. Колхознинг азамат пахтакорлари бу нотўғри тушунчани амалда рад этиб, бутун колхоз бўйича ҳар гектардан 20 центнердан, илғор бригадалар эса 30 — 35 центнердан пахта ҳосили етиштириш учун астойдил ғайрат қилмоқдалар.

Мана, кенг пахтазордаги қизғин меҳнат, сувчининг оқшом пайтларидаги сув ёқалаб юриши, универсалчининг культивация кенглигини 30 сантиметр, чуқурлигини 15 — 16 сантиметр ўтказаётганлиги ва машинани эҳтиёт билан ҳайдаб, бир кўчатни ҳам нобуд бўлмаслигига катта эътибор бериб келаётганлиги, карталарни ёввойи ўт ва ҳашаротлардан тоза тутилаётганлиги, ҳар бир колхозчи, ҳар бир механизаторнинг ўз участкасида унумли ишлаётганлиги катта ниятдан дарак бериб турибди. Қиёт ерлари «оқ олтин» конларига айланмоқда. Колхоз аъзолари пахтадан юқори ҳосил етиштириб, районнинг юқори ҳосилли илғор колхозлари қаторига етиб олиш учун бел боғлаб меҳнат қилмоқдалар.

Н. ЭГАМНАЗАРОВ,
Бекобод район, «Победа» колхози.

УЧ ЭГИЗАК



Фарзанд онланинг орзу-умиди, келажаги. У ҳар бир онлани севинч билан тўлдиради. Киров районида яшовчи Ҳакимовлар онласида яқинда қувончли воқеа рўй берди: бу онланинг фарзандлари бирданига уч кишига кўпайди. Тўрт фарзанднинг онаси Муқаддас Ҳакимова уч эгизак туғди. Фотима ва Зуҳра ҳамда Ҳусан онланинг қувончига-қувонч қўшди. Бахтли она кўзи ёриган Тошкентдаги бешинчи туғруқхонанинг медицина ходимлари она ва болаларга жуда гамхўрлик билан қараб туришди. Она туғруқхонадан чиқиб ўз уйига кетар экан туғруқхона коллективи унга қимматли совға топширди ва бир ой мобайнида уйда она ва эгизакларга қараб туриш учун медицина ҳамшираси Е. П. Любимцовани Муқаддас билан қўшиб уйига юборди. Бундан ташқари Киров район соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли болалар консультациясидан ҳам медицина ҳамшираси ажратилди. У она ва эгизакларнинг соғлиғини доимо кузатиб туради. Суратда: М. Ҳакимова ўз эгизаклари билан.

А. Горокрик фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Назарий конференция

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институтида партия маорифи ўқув йилининг якунига бағишланган илмий-назарий конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси В. Й. Зоҳидов «Бир мамлакатда коммунизмнинг ғалаба қилиши масаласи» ҳақида доклад қилди.

Докладчи ўз сўзида партиямиз XXI съезди чизиб берган программага асосан коммунизмнинг бир мамлакатда ғалаба қилиши мумкинлиги, бир мамлакатда социализм пойдевори қуриб бўлингач, коммунизм элементларининг пайдо бўла бориши ва аста-секин қурилиб бўлиши ҳақида гапирди.

Иккинчи докладчи филология фанлари кандидати Ҳ. Ёқубов «КПСС XXI съезди қарорлари ва ўзбек совет адабиётининг вазифалари» темасида гапириб, замонавийлик, ижобий қаҳрамон проблемаси, бадиий маҳоратни ошириш, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялайдиган асарлар яратиш, адабиёт назарияси ва адабий танқидчиликнинг муҳим масалаларини ёритди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси Ҳосият Комилова «КПСС XXI съезди қарорлари ва ўзбек тилшунослигининг тараққий эттирилиши» темасида сўзлади.

Докладлардан сўнг, музокаралар бошланди.

Биринчи бўлиб сўзга чиққан филология фанлари кандидати М. Алавия ёшлар онгидаги айрим эскилик қолдиқларини тугатишда бадиий адабиётнинг ролига тўхталди.

Музокарада сўзга чиққан филология фанлари кандидатлари А. Қаюмов, Ф. К. Камолов, Ш. Шоабдурахмонов, Н. Раҳимов ўртоқлар ҳам кундан-кун ўсиб бораётган ёшларга муносиб асарлар яратиш, илмий тадқиқодлар савиясини янада ошириш кераклигини айтдилар.

М. МИРЗААҲМЕДОВА.

Меҳнаткашлар учун лекциялар

Яқинда Октябрь районидаги «Илгор» маҳалласи клубига маҳалла аҳолисидан 300 дан ортиқ киши тўпланди. Химия фанлари доктори Ҳ. Усмонов КПСС XXI съезди қарорлари асосида республикамизда химия саноатини юксалтириш тадбирлари тўғрисида лекция ўқиди. Химия фанлари кандидати М. Асқаров газ, нефть ва бошқа табиий бойликлардан синтетик материаллар олиш йўлларини тажриба асосида сўзлаб берди. Тингловчилар олимларимиз томонидан химия фанини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари билан танишдилар.

Лекциялардан сўнг ўзбек давлат эстрадасининг артистлари ижросида концерт кўрсатилди.

Ж. Маҳмудов.

Шунингдек, пойтахтимизнинг 1-Оқлон маҳалласида ҳам академик О. Содиқов, химия фанлари доктори Ҳ. Усмонов, химия фанлари кандидатлари Ғанихўжаев ва Асқаров ўртоқлар химия фани тарихи, мамлакатимизда химия саноатини ривожлантириш перспективалари тўғрисида лекция ўқиб бердилар. Олимлар ўз фикрларини конкрет мисоллар, тажрибалар воситасида содда қилиб тушунтирдилар. Маҳалла меҳнаткашлари ўқилган лекцияларни зўр эътибор билан тингладилар.

Аҳоли ўртасида, айниқса маҳаллаларда турли темаларда лекция ўтказиб туриш жуда фойдалидир. Бу тадбирни ҳамма маҳаллаларда ҳам оммавийлаштирилса яхши бўларди.

Л. Хасанов.

Аҳолига қулайлик

Ўзбекистон ССР Олий Советининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш мақсадида «Ўзбекистон ССР аҳолисига маданий-маиший хизматни яхшилаш тўғрисида» қарор қабул қилинди. Бу партия ва ҳукуматимизнинг республика меҳнаткашларига қилаётган оталарча ғамхўрлигининг ёрқин ифодасидир.

Тошкент шаҳрида маиший хизмат кўрсатадиган корхоналар ва уй-рўзғор буюмларини ремонт қиладиган устахоналар жуда кўп, лекин шаҳар аҳолиси ана шу корхоналарнинг кўпчилиги қаерда жойлашганлигини ёки қандай телефон қилиш кераклигини билмайди. Шунинг учун ҳам Тошкент шаҳар саноат кооперация совети «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва мастерскойлари юзасидан справочник» тўпламини кўп нусхада чиқарди.

Справочникда уй-рўзғор буюмларини ремонт қилиш, кийим-кечак, пойафзал тиктириш, тозалаш ва янгилаш, сурат олдириш, эсдалик учун бериладиган буюмларга ўйиб гул қилиниш, шунингдек бошқа хизматларни бажартириш учун Тошкент шаҳар саноат кооперация советига қарашли артелларнинг адреслари ва телефон номерлари тўла-тўкис кўрсатилган. Тошкент шаҳар саноат кооперацияси совети бу справочникни чиқариш билан аҳолига яхши кулайлик туғдирди.

«Муштум» журналининг янги сони

«Муштум» журналининг навбатдаги 11-сони босмадан чиқди. Журналнинг муқовасида ҳамма ишни Ўринбосар ва ёрдамчиларига ташлаб қўйиб, ўзлари таралла-бедод қилиб юрадиган айрим идора бошлиқларини танқид қилувчи карикатура босилган. Журнал «Муштум»нинг «Айтмасам дилим куяди» сарлавҳали хати билан очилади. Бу хатда баъзи колхозларда пахта териш машиналари қаровсиз қолиб, вақтида ремонт қилинмаётганлиги танқид қилинади.

Журналда ҳажвий материаллар, сатирик ва юмористик шеърлар, Д. Синицкий, М. Воробейчиков, М. Леушин, С. Мальт, Э. Рўзибоев, Раъно Исматова, Б. Жуков, М. Иброҳимов, В. Смирнова ва бошқаларнинг карикатуралари босилган.

★

Пойтахтимиздаги «Таширмащ» заводининг техника кутубхонасида кўпгина техникага доир китоблар ва журналлар сақланади. Бу фонддан заводнинг инженер-техник ходимлари яхши фойдаланадилар. Суратда: завод техника бўлимининг инженер-технологи М. Файзиев ва техника бўлимининг бошлиғи Ф. Ўрмонов ўртоқлар «Машиностроитель» журналининг янги сонини кўздан кечирмоқдалар.

В. Панов фотоси.

★

Ҳаваскор адабиётчилар

Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригация ва механизациялаш инженерлари институтида адабиёт тўғараги ташкил этилди. Институтнинг 50 дан ортиқ студенти жалб қилинган бу тўғарак машғулотлари ҳафтада икки марта ўтказиб турилади. Бунда ёш қаламкашларнинг ижодини ўстиришга амалий ёрдам бериш мақсадида улар ёзган шеър ва ҳикоялар муҳокама қилинади. Институтда чиқадиган «Қишлоқ хўжалик инженери» кўп тиражли газетасининг юқори савияда сермазмун ва қизиқарли чиқишида ҳамда мухбирлар активини кўпайтириш ишига ҳам адабиёт тўғараги катта ёрдам бермоқда.

М. НИЁЗОВ.

Четэлларда

* * *

Вьетнам Демократик Республикаси, Вьетнам информация агентлигининг фотоси.



Тринканд заводининг коллективи корхонани муддатидан илгари қуриш учун курашмоқда. Бинокорлар корхонани шу йил сентябрь ойида қуриб, ишга тушириш мажбуриятини олдилар. Суратда: қанд заводи қурилишида.

* * *

ИРОҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СССРДАГИ ЭЛЧИСИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

БАҒДОД, 24 июнь. (ТАСС). Ироқнинг СССРдаги элчиси Абдул Ваҳоб Маҳмуд Ироқда 20 кун турганидан кейин самолётда Москвага жўнаб кетди.

«Ироқ таймс» газетасининг ёзишича, у Ироқ Республикаси ва Совет Иттифоқи ўртасидаги амалий ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларини Ироқ ҳукумати вакиллари билан муҳокама қилган.

Абдул Ваҳоб Маҳмуд матбуот учун берган баёнотида Совет Иттифоқининг сиёсатига юксак баҳо берган. «Совет Иттифоқи,— деган у,— бизнинг чинакам дўстимиздир, жаҳондаги барча мамлакатлар билан дўстликни, тинч-тотув яшаш ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш принципларига асосланган дўстликни кучайтиришга интилувчи давлатдир... Совет Иттифоқи бошқа мамлакатларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш мақсадида уларга ёрдам беришга ҳамиша интилмоқда».

Абдул Ваҳоб Маҳмуд шуни таъкидлаб айтдики, Совет Иттифоқи бошқа мамлакатларга ана шундай ёрдам бергани ҳолда, «ўзи учун бирор фойда ёки афзаллик қидирмайди. СССР ҳеч қандай шарт қўймасдан ёрдам бермоқда».

ЖЕНЕВА КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА ГЕРТЕРНИНГ НУТҚИ

ВАШИНГТОН, 24 июнь. (ТАСС). Кеча АҚШ давлат секретари «Ташқи ишлар министрларининг Женева кенгаши тўғрисида Америка халқига» ахборот берди. Бу ахборот радио ва телевидение орқали эшитирилди.

Гертер Женевадаги кенгашда Совет Иттифоқининг айби билан бирор «муҳим муваффақиятга» эришилмади, деб даъво қилди.

Сўнгра Гертер Берлин проблемаси Германияни бирлаштириш тўғрисидаги масалани ҳал этиш доирасидагина узил-кесил бартараф қилиниши мумкин, деди.

Давлат секретари, АҚШнинг фикрича, ташқи ишлар министрларининг Женева кенгаши янгидан иш бошлаганидан кейин ҳукуматлар бошлиқлари кенгашининг муваффақиятли ўтказилиши перспективаларини таминлаш учун, кенгашда «бир мунча даражада муваффақиятга эришиш зарур», деб айтди. Афсуски, деди у, Женевада бундай муваффақиятга ҳозирча эришилгани йўқ.

Гертер ўз нутқида АҚШ аввалдагидек, ҳозир ҳам ўзларининг «комплекс плани»да баён этилган таклифларни англатди. Мен, деди у, Совет Иттифоқи бу таклифларни яна бир марта жиддий равишда қараб чиқади, деб ҳали ҳам умид қилмоқдаман, деди. Гертернинг гапига кўра, Женева кенгаши давомида Берлин статуси ҳақида эҳтимол тутилган битимнинг моддалари белгиланиб қолган эмиш. Гертер, менинг фикримча, Совет Иттифоқи «Ғарб давлатлари томонидан қўриқланаётган Ғарбий Берлиннинг мавжуд бўлиб қолишига розилик» билдиришга тайёр бўлган тақдирда, ана шу моддалар юзасидан битимга эришиш мумкин бўлади, деди.

КОНСУЛЛИК ШАРТНОМАСИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА СССР БИЛАН ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДАГИ МУЗОКАРАЛАР

16 июндан 23 июнгача Пекинда СССР ва Хитой Халқ Республикаси ҳукумат делегациялари ўртасида консуллик шартномаси тузиш ҳақида музокаралар бўлиб ўтди. Дўстлик ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган музокаралар натижасида 23 июнда консуллик шартномаси имзоланди. Бу шартнома консулларнинг ҳуқуқ ва вазифаларини, шунингдек консуллик хизматига тааллуқли бошқа масалаларни ҳал этади. Шартноманинг тузилиши СССР билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида консуллик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга ёрдам беради.

Франция Коммунистик партиясининг XV съезди очилди

ПАРИЖ, 24 июнь. (ТАСС). Бугун эрталаб Париж атрофидаги Иври шаҳрида Франция Коммунистик партиясининг XV съезди очилди. Съезднинг кун тартибида икки масала бор:

1. Демократияни тиклаш ва янгилаш учун ишчи ва республикачи кучлар иттифоқи.

2. Франция Коммунистик партиясининг раҳбар органларини сайлаш.

Франция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг иши ҳақида Франция компартиясининг бош секретари Морис Торез доклад қилади.

Телеграф хабар қилади

✦ Эфиопия императори Хайле Селассие ва унинг ҳамроҳлари 24 июнда Аддис-Абебадан Қоҳирага самолётда жўнаб кетдилар. Улар Бирлашган Араб Республикаси, Совет Иттифоқи, Чехословакия ва бошқа мамлакатларга расмий визит билан борадилар.

✦ Болгариянинг Варна шаҳрида Болгария Халқ Республикаси, Совет Иттифоқи ва Руминия Халқ Республикасининг ҳукумат делегациялари ўртасида Қора денгизнинг балиқ ресурсларидан янада рационал фойдаланиш тўғрисида ва шу соҳада ҳамкорлик қилиш ҳақида музокаралар бошланди.

✦ Чехословакия телеграф агентлигининг хабар беришича, Чехословакияда бир неча кун меҳмон бўлиб турган Перу депутатлари делегацияси Прагадан Римга жўнаб кетган.

✦ Синьхуа агентлигининг хабар беришича, Хитой Марказий экспериментал опера театри Ю. Мейтуснинг «Ёш гвардия» операсини саҳнага қўйишга тайёргарлик кўрмоқда. Совет санъат арбоблари театрга катта ёрдам бермоқдалар.

✦ Вьетнам Демократик Республикаси президенти Хо Ши Миннинг таклифига биноан, Индонезия президенти доктор Сукарно ва унинг ҳамроҳлари жавоб дўстлик визити билан Ханойга келдилар.

✦ Манолис Глезосни ҳимоя қилиш Чехословакия комитетининг раиси Густа Фучикова Прага радиоси орқали нутқ сўзлади. «Глезос,— деди у,— бизлар учун фашизмга қарши кураш символидир, қишан солинган озодлик символидир... Манолис Глезос озод қилинсин!».

✦ Олий Халқ мажлиси раиси Цой Вон Тхякнинг таклифига биноан, Колумбиянинг сенатор Орасио Родригес Плата бошчилигидаги парламент делегацияси 24 июнда Пхеньянга келди. (ТАСС).

Редактор ўринбосари: М. ҚОРИЕВ.

ФУТБОЛ

Жанговар ўйинлар

Мамлакат биринчилиги учун «Б» класс 6-зонасининг пешқадамларидан ҳисобланган «Пахтакор» командаси ўтган чоршанба куни ўз майдонида ленинободлик «Памир» футболчилари билан учрашди. Қизғин спорт кураши вазиятида ўтган мароқли ўйин 3:3 ҳисоби билан дуранг бўлиб тугади.

Шу билан «Пахтакор» командаси 13 ўйиндан 18 очко олиб биринчи давра мусобақасини тугатди.

* * *

Кеча «Пахтакор» марказий стадионида «Меҳнат резервлари» жамиятининг футболчилари Корея Халқ Демократик республикасининг пойтахти — Пхеньян терма командаси билан халқаро ўртоқлик учрашувини ўтказдилар.

Самимий ва дўстона вазиятда ўтган бу ўйин 0:0 ҳисоби билан дуранг бўлди. Ҳар иккала команданинг дарвозабонлари ҳам айниқса зўр маҳорат билан ўйнадилар.

СССР Журналистлар союзида

23 июнда СССР Журналистлар союзи ташкилот бюросининг мажлиси бўлди. Ташкилот бюроси «Техника тараққиёти ва совет журналистларининг вазифалари» деган темада Бутуниттифоқ ижодий семинарини ўтказиш планини тасдиқлади.

Мажлисда журналистларнинг Прагадаги халқаро учрашуви ва совет журналистлари делегациясининг Польшага қилган сафари якунлари тўғрисида ахборотлар тингланди.

СССР Журналистлар союзининг ташкилот бюроси Журналистлар Марказий уйи ҳузурида журналистика ва фоторепортаж юзасидан икки йиллик сиртқи лекторий ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу лекторий район ва кўп тиражли газеталарнинг ходимлари учун, шунингдек область ва республика вақтли нашрларининг ёш ходимлари учун мўлжалланган.

Доғистон ва Удмурдистон АССР, Карачай-Черкес автоном области, Астрахань, Калининград, Тюмень, Куйбишев, Белгород, Вологда, Киров ва бошқа областларнинг журналистларидан катта бир группаси союз аъзолигига қабул қилинди.

(ТАСС).

ҲИНДИСТОНГА СОВЕТ АСБОБ-УСКУНАЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА БИТИМ

ДЕҲЛИ, 24 июнь. (ТАСС). Ҳиндистон ҳукумати ва СССРнинг Деҳлидаги элчихонаси вакиллари кеча бу ерда Нейвелидаги (Мадорас штати) теплоэлектростанция қурилиши учун керак бўлган совет бинокорлик асбоб-ускуналарини етказиб бериш тўғрисидаги битимни имзоладилар. Бу қурилишда Совет Иттифоқи иштирок қилмоқда.

Телевизор экранида

26 ИЮНДА

19.30. Узбек тилида халқаро обзор.

19.45. Киножурнал.

19.55. Сўнгги ахборот.

20.10. Узбек тилида «Ёшлар дўстлиги ҳафталиги»га бағишланган адабий эшиттириш.

20.30. Киноповесть — «Тана».

22.00. Оперетталардан парчалар.

Тошкентнинг тамоша заларида

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 26/VI да **Гамлет**, 27/VI да **Ҳуррият**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 26/VI да **Орзу**, 27/VI да **Майсаранинг иши**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 26/VI да **Олтин кўл**, 27/VI да **Равшан ва Зулхумор**.

«РОДИНА» — эрталаб соат 10 да кенг экранли ҳужжатли фильм **Симферополь — Алушта — Севастополь**, кундуз ва кечқурун **Тузалгани тўғри**, кеч соат 9 да **Қочқин**, кеч 10-40 минутда **Коммунист**.

«ВАТАН», «ФЕСТИВАЛЬ» «УДАРНИК» — **Тузалгани тўғри**.

«ОКТЯБРЬ» — **Йўлбарсларни ўргатувчи** (ўзбек тилида).

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун **Тузалгани тўғри**, кеч соат 9-15 минут ва 11 да **Турналар учади**.

КАФАНОВ номли — кеч соат 9 да **Тузалгани тўғри**, кеч 11 да **Баландлик**.

«СПУТНИК» — 1-залда **Тузалгани тўғри**, 2-залда **Қочқин**.

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ КИНОУСТАНОВКА ЭКРАНЛАРИГА

Мен қуёш йўлдоши бўлган эдим

НОМЛИ ЯНГИ ИЛМИЙ-ФАНТАСТИК ФИЛЬМ ЧИҚАРДИ

Сценарий авторлари — **В. Капитановский, В. Шрейберг.**

Постановкачи режиссёрлар — **А. Моргенштейн, О. Самуцевич, Г. Ляхович.**

Ролларда: **П. Махотин, Е. Емельянов, Г. Шамшурин, Толя Шамшуринлар** қатнашади.

Фильмни Москва илмий-оммабоп фильмлар киностудияси 1959 йилда ишлаган.

ТОШКЕНТ ГЎШТ КОМБИНАТИГА

гўшт терувчилар, сувоқчилар, цехларга ишчилар

КЕРАК

Бойналмилал кўча, 3-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин.

ИЛМИЙ-АТЕИСТИК ТЕМАДА

Шамол қандай пайдо бўлади

Ўтмишда табиат ҳодисаларини тушунтиришда асосан диний ақидалар ҳукмронлик қилган. Шу сабабли ҳам кишилар табиат кучларини жиловлашнинг уддасидан чиқа олмай келганлар. Ҳозир инсон ер қимирлаш шамол туриши ёғин ёғиш, сувдан энергия олиш, қуёш ва ойнинг қачон ва нима сабабдан тутилиши ва бошқа ажойиб табиат ҳодисаларининг сирини яхши биладилар. Ер сунъий йўлдошлари ва космик ракета ҳам мураккаб табиат ҳодисаларини илмий жиҳатдан ўрганишда катта роль ўйнамоқда.

Кишиларни қизиқтирувчи табиат ҳодисаларидан бири шамолдир. Шамолнинг қандай пайдо бўлиши ҳаммани ҳам қизиқтиради. Ҳаммага маълумки, ер шари атмосфера деб аталувчи қалин ҳаво қатлами билан ўралган. Ҳаво эса тинч турмайди, у доимо ҳаракат қилади. Ҳавонинг ана шу бир жойдан иккинчи жойга оқишини биз шамол деб атаймиз. Қуёшнинг иссиқлик таъсири ва ер шари рельефи шаклларининг тузилиши туфайли бир жойда босим ортса, шу ердаги ҳаво босими пастроқ жойга қараб, эсади. Шу тариқа ҳавонинг юқори босимли областидан кам босимли областига томон қилган ҳаракати натижасида шамол пайдо бўлади. Буни ёз фаслида кўл ёки дарё бўйида бўлган вақтингизда сувдан қирғоққа (кечаси эса аксинча) эсаётган шабада-шамол мисолида ҳам кўриш мумкин.

Хўш нега шундай? Чунки ўзидан иссиқни кам ўтказувчи кўл юқори босим области, қуруқлик эса кам босим области ҳисобланади. Шунингдек қиш кунлари ер эшиги очилганда юқорида иссиқ енгил ҳавонинг ташқарига ва пастда совуқ оғир ҳавонинг ўрта кираётганлиги ҳам буни тасдиқлайди. Ер шарининг баъзи жойларида каттакатта ҳайвонларни ҳам бемалол осмонга олиб чиқиб кетадиган шамол лар бўлади. Масалан, 1933 йилнинг ёзида Тинч океан соҳилидан 50 километрча узоқда бўлган Каралерово қишлоғига (Узоқ шарқ) шамол сел билан катта-катта денгиз музларини ёғдирган.

Одатда шамол қайси томондан эсаётган бўлса, шу томон номи билан, ёки ўзининг бирор хусусиятига қараб, ё жойнинг номи билан аталади. Мамлакатимиз территориясида водий фён, бора гармсель, муссон ва бриз каби маҳаллий шамол турлари мавжуд. Бу шамоллар вақтинча бўлиб, айримлари мавсумлар давомида ўз кучи ва йўналишини ўзгартириб туради. Атмосферанинг умумий циркуляцияси натижасида бутун йил давомида бир томонга қараб эсадиган доимий пассат шамоли ҳам бор. Бу шамол ҳам юқорида айтилган сабаблар натижасида юзага келади.

Ўрта Осиёда маҳаллий характерга эга бўлган Бекобод шамолининг пайдо бўлиши анча мураккабдир. Шимолдан эсиб келадиган Арктика совуқ ҳаво массасининг таъсири ва рельеф шаклларининг тузилиши Қурама тоғнинг шимолий-ғарбий этагида кўпинча юқори босим областини юзага келтиради. Бу юқори босимли территорияда ҳаво кам босимли Тошкент, Самарқанд воҳасига, гоҳо Фарғона водиси томон ҳаракат қилади. Ана шулар натижасида Бекобод шамоли пайдо бўлади. Бу шамол тор Ленинобод дарвозаси орқали Фарғона водисига тахминан 200 километр кириб боради. Шамол эсган территориянинг эни Қурама ва Туркистон тоғларининг бир-бирига яқинлашиб келган жойида 20—30 километрдан 100—120 километргача кенгайиб боради ва охири Қорақалпоқ ва Ёзёвон чўлларида ўз кучини асосан йўқотади. Шамол баъзан шу қадар кучли эсадики, натижада Қўқон атрофидаги районлар ва Тошкент воҳасининг Мирзачўл районлари хўжаликларига анчагина зарар етказади. Ана шу шамолнинг кучини синдириш ва даф қилиш учун қўлланадиган бирдан-бир усул дарахтзорлар барпо этишдир. Мирзачўл воҳасида ва Қўқонда сўнгги йилларда барпо этилган ихота-ўрмонзорлар фикримизнинг далилидир.

Шамолнинг табиати метеорология фани ёрдамида ўрганилади. Мамлакатимизнинг айрим районларида шамолнинг кучидан фойдаланилади. Аммо Ўрта Осиёда бу «зангори кўмир»нинг арзон ва битмас-туганмас кучидан фойдаланиш ва хўжаликка келтирадиган зарарини бутунлай тугатиш соҳасида анча ишлар қилиш керак. Бу олимларимиз олдида турган фойдали илмий проблемадир.

Ғ. ХОЛМАТОВ, географ.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136, Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 290.40, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 34048, 132. Секретариат — 29040, 50 Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 01399. «Қизил Ўзбекистон» «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. Б-1621.